Аввало, ўзбекистонликлар ва ўртаосиёликлар ўз она юртларидан узоқ ўлкаларда турли фронтларда уруш майдонига кирдилар. Улар ўзлари идрок этган “Ватан” учун, “халқ отаси Сталин учун курашга!” каби анъанавий шиорларни айтиб жангга кирар эди-ю, лекин ўз оиласи, ортда қолган юрти, миллати, ор-номуси ва ғурурини бу шиорларнинг барчасидан устун қўярди.

Россия тарихшунослигида асирлар масаласида ва рус армияси генерали А.А. Власов (1901-1946 йиллар) фаолияти билан боғлиқ 1990 йиллар бошида бир қатор мақолалар эълон қилинди. Ушбу мақолаларда асирларга муносабат зиддиятли, бир-бирини инкор этувчи, ноандозавий фикрлар баён қилинган¹⁶. Ҳолбуки, фашистларга асир тушган А.А. Власов ва бир қатор юқори лавозимдаги рус ҳарбий қўмондонлари немис-фашистларининг оёғи остида топталган ўз ватанлари - Россия учун жангга кирган эдилар.

Баъзи маълумотларга кўра, Иккинчи жаҳон уруши тугаган пайтда туркий қавмларига мансуб бўлган немис асирларининг сони 400 минг

¹⁶ Қаранг. Коренюк Н. Трудно жить с мифами (генерал Власов и русская освободительная армия) // Огонёк. 1990. №46. С. 29–31; Катусев А. Ф., Оппоков В.Г. Движение, которого не было, или история Власовского предательства // Военный исторический журнал. 1991. №4. С. 18–28; №7. С.7, 12–20; №12. С. 31–41; Савченко А. Ничего, кроме правды, за что умирали солдаты РОА? // Независимая газета. 1991.23 марта; Катусев А.Ф. Иуды. (Власовцы на службе фашизма) // Военный исторический журнал. 1990. №6. С. 68–81; Перченко Ф., Сидельников И.В. Прагу освобождали дважды // Московские новости. 1991. 5мая; Пальчиков П.А. История генерала Власова. // Новая и новейшая история; №2. С. 123–144.

киши атрофида бўлган¹⁷. Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, 200 мингдан ортиқ собиқ туркистонлик асирлар Совет Иттифоқига кетишдан бош тортадилар¹⁸. Чунки уларни СССРда 20-25 йиллик Сибир сургунлари ва муқаррар ўлим кутарди. Лекин, иттифоқчилар ўзларининг Қрим конференциясидаги (Ялта, 1945 йил, баҳори) мажбуриятларини бажариб, совет асирларини зўрлик билан 1945 йилнинг ноябригача СССРга узатиб туришган. Туркиядан сиёсий бошпана излаш мақсадида 1945 йил кузига қадар 100 минглик туркий халқ вакиллари анкетаси тайёрланиб, бу давлат ҳукумати ихтиёрига ҳавола қилинган. Бироқ, Туркия ҳукумати мутасаддилари улар орасида 10 минг совет жосуси бўлиши мумкинлиги хавфидан қўрқиб, “Қабул этилмасин!”, деб қарор қабул қилишган. Шундан кейин Германиянинг Миттенвалд, Розенхайм, Бовария қочқинлар лагерларидаги туркистонликларнинг кўпчилиги ўлимни бўйнига олиб СССРга жўнаган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида асирликда бўлиб, урушдан сўнг СССРга қайтган М. Даврон ва Х. Абдуллаевлар жазо лагерларида “сотқин” сифатида қораланиб, бир неча йил тутқинликда яшаган. 1955 йилда озодликка чиққан ушбу шахслардан совет ҳукумати хориждаги ўзбекларга нисбатан мафкуравий курашда узоқ фойдаланди¹⁹. 1943 йил ўрталарида душманга асир тушган марғилонлик (Фарғона вилояти) К.Собировни 1945 йилда Австриядаги лагерлардан биридан Англия ва АҚШ ҳарбий қисмлари озод қилади. У Германиянинг Бремен шаҳрида яшаган, Ўзбекистонга қайтса яна асирлик азоблари кутишини билган. К. Собиров 1984 йилда Марғилонга келди ва 40 йилдан сўнг, қизи билан учрашди²⁰. Муҳожирликда жонини сақлаб қолишга муваффақ бўлган 6-7 минг туркий халқ вакилларида 800 таси ўртаосиёлик (ўзбек, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, қирғиз, тожик) бўлган холос.

Ўз юртига қайтмаган туркистонлик муҳожирлар хорижий мамлакатларда яшаб қолиш ва тирикчилик илинжида оғир машаққатларни бошидан кечирдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистларга асир тушиб, умрининг охиригача муҳожирликда яшаб қолган Нусрат Файзуллаев, Жуманиёз Матёқубов, Мажид Икром, Одина Ўзбек, Шароф Алибек, Мўмин Бўриев, Абдулмажид Дикэр, Вали Зуннун, Исҳоқжон Нарзи-

¹⁷ Шаҳобиддин Юсуф Яссавий. Туркистон аччиқ ҳақиқатлари. Истанбул, 1984. 137-бет. (араб имлосида, эски ўзбек адабий тилида).

¹⁸ Ҳайит Б. Совет Иттифоқида туркликнинг ва исломнинг баъзи масалалари // Шарқ юлдузи. 1992. №3. 155-бет.

¹⁹ ЎЗР МДА, 2661-фонд 1-рўйхат 168-иш, 11-12-варақлар.

²⁰ Ўша архив. 125-иш, 3, 17-варақлар.

2005

кул, Аҳмад Умархон, Ҳусан Икром, Мўминжон Тешабой, Кенжа Отабек, Исмоил Тожибой, Маҳкам Умари, Жамол Калов, Бурхон Алламхўжа, Рўзи Назар, Эргаш Шермат, Мурод Чингиз, Аббос Ҳайдаров (Тангрисевар), Нуриддин Нақибхўжа, Қаршибой Хўжа, Абдусамад Ўратепа, Эргаш Хўжам, Эргаш Тошкентли, Умарали Кўчар, Аҳмад Шароф, Ҳусан Хўжаев, Обид Зоир каби ўнлаб ўзбекларни санаб ўтиш мумкин²¹.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин хорижда қолиб кетган ўзбеклар кўпчилиги Европа ва Америка мамлакатларида (асосан, АҚШ) ҳамда Туркияда истиқомат қилишган. Улар миллий ўзлиги ва ўзбекона урф-одатларини сақлаб қолган ҳолда Европа маданиятидан ҳам истифода олишган. Аксарият, муҳожир ўзбеклар Европа миллат вакилларига (рус, немис, инглиз, итальян, испан, голланд, француз, чех аёлларига) уйланиб умргузаронлик қилишган. Бироқ, улар никоҳидан туғилган фарзандлар асосан ўзбекча номлар билан аталади. Совет ҳокимиятининг 1917-1920; 1924-1930 йилларида муҳожирликка мажбур этилган ўзбеклар билан “янги муҳожирлар” ўртасида баъзи бир ихтилофлар мавжудлиги ҳам манбаларда қайд қилинган. Жумладан, “эски муҳожирлар” урушдан кейин ўз сафларига қўшилган тақдирдошларини “қизил муҳожирлар”, “совет муҳожирлари”, “коммунист муҳожирлар” каби атамалар билан атаб келишган²².

“Илиқлик даври” деб номланган Н.С. Хрушчев даврида (1956-1964 йиллар) муҳожир ўзбекларга нисбатан совет ҳукумати қўллаган сиёсат ҳам бир оз ўзгариб туради. Дунёнинг икки қутби ўртасида мафкуравий ва сиёсий кураш авж олган, ҳарбий пойга кучайган пайтларда муҳожир ўзбекларни гуруҳлаб, асирликда немис мундирини кийган ва киймаганларга ажратишга алоҳида урғу берилган. Душманга асир тушиб, фашистларнинг ҳарбий ҳаракатларида қатнашмаганларни асл Ватанларига қайтариш орқали тарафдорларни кўпайтириш, СССР “муваффақиятлари”ни улар овози билан жаҳонга намоиш қилиш баробарида мафкуравий рақибларга зарба бериш усулидан ҳам фойдаланилди.

Совет тузуми даврида Ўзбекистонда яшаётган собиқ муҳожир ўзбеклар учун бундан бошқа йўл ҳам йўқ эди. Иккинчи жаҳон уруши даври ўзбек муҳожирлигини тўла ва мукамал ёритишда “Туркистон легиони” ҳақида фикрлар юритиш зарур. Бу эса алоҳида, жиддий тадқиқотни тақозо қилади.

²¹ Аҳрор Аъзамнинг шахсий архиви; I-XII дафтарлар (қўлёзма).

²² ЎзР МДА. 2822-фонд 1-рўйхат 90-иш, 1-варақ.

Ш. Хайитов

**ВТОРАЯ МИРОВАЯ ВОЙНА КАК ФАКТОР В ИСТОРИИ
УЗБЕКСКОЙ ЭМИГРАЦИИ**

В статье впервые в отечественной историографии рассматриваются проблемы истории узбекской эмиграции в годы второй мировой войны. Статья написана на основе богатых источников и зарубежной литературы, что свидетельствует о ее научной обоснованности. Приводятся сведения из жизни соотечественников-узбеков, оказавшихся за рубежом после второй мировой войны.

SH. Haitov

WORLD WAR II AS A FACTOR IN THE HISTORY OF UZBEK EMIGRATION.

For the first time in the native historygraphy the problems of the history of uzбек emigration in the years of the second world war are described in this article. The author gives information from the life of uzбек compatriots who were abroad after the second world war. The article is written on the basis of rich sources and foreign literature which certifies its scientific foundation.

*Диний сиёсат тарихидан**Чой Со Ёнг***ПРАВОСЛАВНАЯ ЦЕРКОВЬ В УЗБЕКИСТАНЕ В 20–Е ГОДЫ XX ВЕКА**

В истории взаимоотношений государства и церкви в бывшем Союзе особую роль играли 20–е годы XX в., когда были разработаны и внедрены два основных правовых акта, охарактеризовавшие позиции сторон. Именно в тот период и сложился особый тип государственно-церковных отношений, определивший развитие дальнейших процессов в этой сфере в течение нескольких десятилетий.

После февраля 1917 г. положение Русской Православной Церкви (РПЦ) в Российской империи в целом было стабильным. Провозглашение свободы религий и равенство всех религиозных конфессий перед законом Временного правительства не ограничивали РПЦ в правах и она не подвергалась никаким притеснениям. Экономический спад в Российском государстве не отразился на имущественном состоянии РПЦ, собственность которой продолжала увеличиваться. Более того, несмотря на обозначившиеся признаки раскола внутри церкви, в августе 1917 г. после длительного перерыва¹ был созван Поместный собор РПЦ. На этом соборе 28 октября (10 ноября), в частности, было принято решение о восстановлении патриаршества и 5 (18) ноября патриархом Московским и Всея Руси был избран Тихон. Несмотря на большевистский переворот, выбор патриарха состоялся и имел важное значение, так как централизация управления в РПЦ позволяла ей в определенной мере противостоять наметившемуся прессингу (или наметившимся репрессиям) со стороны большевиков.

Несколько другое положение наблюдалось в Центральной Азии, где после учреждения РПЦ в 1871 г. Туркестанская епархия значительно активизировала свою деятельность. Благодаря росту числа русских переселенцев в течение 70-х – 80-х годов XIX в. в регионе была развернута активная деятельность по строительству стационарных храмов, в результате уже к началу XX в. здесь насчитывалось 306 церквей².

¹ В России с введением Петром I синодального управления церковью после 1682 г. Поместный собор не созывался.

² Буряков Ю.Ф., Жукова Л.И., Проскурин В.Н. К истории христианства в Средней Азии// К истории христианства в Средней Азии. Ташкент: Ўзбекистон, 1998. С.17.

Тем не менее, несмотря на количественный рост, РПЦ в Туркестане сталкивалась со многими трудностями. Так, из-за опасения возможно недовольства мусульманского населения колониальные власти первым центром РПЦ в Туркестане объявили не Ташкент, являвшийся политико-культурным центром региона, а г. Верный, расположенный на восточных окраинах генерал-губернаторства³. К тому же православная церковь в Туркестане не получала финансовой поддержки со стороны имперской казны и возведение храмов производилось главным образом на средства переселенцев и пожертвования купцов. Более того, возникшие серьезные разногласия между епископом и генерал-губернатором Вревским побудили генерал-губернатора предпринять попытки ликвидации Туркестанской епархии и передачи ее приходов в подчинение военному ведомству. Позднее данная попытка увенчалась успехом. В 1900 г. храмы и приходы в городах и укреплениях Туркестана, хоть и на несколько лет⁴, но были переданы в ведомство протопресвитера военно-морского духовенства в Санкт-Петербурге⁵. Ближе к октябрьскому перевороту положение Туркестанской епархии заметно усложнилось. В частности, в Туркестане было приостановлено строительство храмов, запрещены пожертвования на церковные нужды, а все имеющиеся средства должны были направляться на военные цели⁶.

РПЦ в Туркестане постоянно ходатайствовало перед властями о переносе кафедры и, наконец, в феврале 1917 г. она была переведена в Ташкент – политико-экономический центр Туркестанского края. В результате для руководства православной церкви появилась возможность скорейшего получения информации о действиях властей. Особенно это сказалось в определении отношения церкви после октября 1917 г. к религиозной политике советских властей и принятию своевременных мер.

Еще до октябрьского переворота представители православной церкви в достаточной мере изучили сущность большевистской политики и серьезно опасались захвата ими власти. Большевики же, гораздо быстрее и упорнее, чем могло себе представить православное духовенство, стали проводить свою антирелигиозную политику. Одной из

³ Там же. С. 16.

⁴ Эти храмы возвратились при епископе Димитрии (1906–1912).

⁵ Владимир, митрополит Бишкекский и Среднеазиатский. Земля потомков патриарха Тюрка. М.: Издательство Московской Патриархии, 2002. С. 193–194.

⁶ Там же. С. 212.

первых угроз для положения церкви стало возможное лишение религиозных обществ некоторых их прав. Как известно, в основе религиозной политики большевиков был декрет от 1918 г. «О свободе совести, церковных и религиозных обществах», который впоследствии получил название «Об отделении церкви от государства и школы от церкви». После захвата власти одним из важных направлений деятельности большевистского правительства стало лишение конфессиональных групп имеющихся у них юридических и экономических прав. Декрет «О земле» от 8 ноября 1917 г. лишал церковь и приходское духовенство всяких прав на земельную собственность. Вскоре последовал декрет о земельных комитетах от 4 (17) декабря, согласно которому все сельскохозяйственные земли, «включая все церковные и монастырские, отбирались и отдавались в руки государства». 11 (24) декабря был издан декрет, по которому все церковные школы передавались в ведомство Комиссариата просвещения. Этот декрет, по сути дела, лишал Церковь всех семинарий, училищ, академий и всего связанного с ними имущества. 18 (31) декабря была аннулирована действительность церковного брака, взамен которого вводился гражданский.

20 января 1918 г. последовало принятие Совнаркомом РСФСР декрета «О свободе совести, церковных и религиозных обществах», по которому церковь лишалась всего недвижимого имущества и прав владения им. Согласно данному декрету, все права фиксации гражданского состояния также передавались органам гражданской власти, непосредственно отделам записи рождения, брака и смерти, а пункт «отделение школы от церкви» запрещал преподавание религиозных дисциплин в общеобразовательных учебных заведениях.

В Туркестанском крае аналогичный декрет был издан Совнаркомом Туркестанской АССР лишь 20 ноября 1918 г. На практике же реализация этого декрета в условиях Туркестана оказалась невероятно сложной в силу противодействия духовенства и верующих. Таким образом, в Туркестане православной церкви ещё удавалось некоторое время сохранить свои позиции.

Более того, 26 марта 1918 г. в Ташкенте был отдан приказ следующего содержания: «Вследствие демобилизации армии Ташкентский военный Спасо-Преображенский собор, состоящий в военном ведомстве, передаётся в ведение Епископа Туркестанского и Ташкентского для обслуживания религиозных нужд православного населения. Здание Собора, все церковное имущество, все церковные суммы должны быть причтом Собора; ктиторм и церковным старостой переданы по описям организуемому при этом соборе православному приходу в лице

его выборного церковно-приходского Совета”⁷. В течение 1918 г. и остальное имущество РПЦ в Ташкенте и других городах Туркестанского края, ранее переданное военному ведомству, было возвращено в ведение Епископа Туркестанского и Ташкентского⁸.

Значительным успехом РПЦ, достигнутым после октябрьского переворота, можно считать подписание 3 октября 1918 г. Декларации независимости Туркестанской поместной православной церкви⁹. Однако, несмотря на то, что в Туркестане в указанное время не наблюдались ещё случаи таких показательных репрессий, как аресты священнослужителей или закрытие церквей, православная церковь в регионе уже ощущала назревавший кризис и пыталась установить новые формы деятельности в соответствии с существующими реалиями.

Тем не менее этот кризис начался не с “лобовой атаки” большевиков, как можно было ожидать, а с раскола внутри церкви. В действительности, первые признаки раскола РПЦ наметились еще задолго до октябрьского переворота. Часть представителей православного духовенства настаивала на необходимости проведения реформ внутри церкви, но это было мнение меньшинства. В 1922 г. во время ареста патриарха Тихона в связи с его “сопротивлением спасению голодающих” обновленцы¹⁰ создали единый орган руководства церковью – Высшее церковное управление (ВЦУ), призванное заменить патриарха. Вследствие быстрого роста влияния новой организационной структуры обновленцы уже к 1923 г. контролировали около 70% от общего православного прихода¹¹. В определенной степени этот стремительный рост обновленческого движения объясняется поддержкой их советскими властями, которые пытались воспользоваться сложившейся ситуацией и внести раскол в РПЦ. Позиция обновленцев принципиально отличалась от позиции патриарха Тихона; они публично высказывались в поддержку советской власти и даже призывали к низложению Тихона¹².

⁷ ЦГА РУз, ф.р-25, оп.1, д.15, л.159.

⁸ Там же, л. 173-173 об.

⁹ Буряков Ю.Ф., Жукова Л.И., Проскурин В.Н. Указ. соч.С. 28.

¹⁰ У обновленчества было три основные группы: Живая церковь, Союз общин древне-апостольской церкви и Союз церковного возрождения. Наиболее многочисленной и влиятельной была группа “Живая церковь”.

¹¹ Гордиенко Н.С. Православие в Советском обществе. Основные этапы эволюций // Русское Православие: Вехи истории. М.: Издательство политической литературы, 1989. С.645.

¹² В 1923 г. обновленцы создали поместный собор, который высказался в поддержку советской власти, низложил патриарха Тихона. В результате этого обновленцы потеряли доверие обычных православных.

Поддержка обновленцами политики большевиков и наметившийся в результате этого кризис православной церкви в определенной степени определили дальнейшие события в Туркестанской епархии. С самого начала ВЦУ, организованное, как отмечалось, обновленцами в 1922 г., призвало все епархии к подчинению (послушанию). В ответ на это архиепископ Ташкентский и Туркестанский Иннокентий созвал очередной Епархиальный съезд духовенства и мирян Туркестана, на котором объявил епархию самоуправляемой и отверг домогательства ВЦУ¹³. В свою очередь обновленцы Туркестана образовали отдельную управленческую организацию – Туркестанское епархиальное управление (ТЕУ) во главе с митрополитом Николаем. Одновременно с этим начинается газетная компания против архиепископа Иннокентия. В результате в начале марта 1923 г. Иннокентий был вызван на допрос в ГПУ. Спасаясь от ареста, архиепископ бежал из Ташкента, не передав официально церковную власть.

Потеря главы в трудное для русского православия в Туркестане время повлекла за собой отход от ортодоксального православия значительного числа священнослужителей и церквей и присоединение их к ТЕУ¹⁴. В этой ситуации ортодоксальное православное духовенство региона и ориентированная на него часть верующих осознали необходимость создания организационной структуры в качестве противовеса ТЕУ. 27 февраля 1923 г. в Ташкенте было сформировано религиозное объединение, именуемое “Союз Приходов Туркестанской Епархии”. В состав новой организации вошли 10 православных приходов г. Ташкента, некоторые пригородные приходы, приходы Туркменской области, Аулизатинского уезда, Перовска, Казалинска и др.¹⁵ Председателем Союза приходов должен был стать Туркестанский Епархиальный Епископ, но в связи с тем, что данный сан был свободен, главой новой организации избрали протоиерея М. Андреева¹⁶. На начальном этапе Союз приходов пытался проводить активную деятельность – избрал депутатов на Поместный собор Русской церкви в Москве¹⁷, разъяснял верующим суть разногласий между ортодоксальным православием и обновленческими организациями, предпринимались также попыт-

¹³ Владимир, митрополит Бишкекский и Среднеазиатский. В рясе, с большим крестом на груди, он делал доклады в медицинском обществе // Восток свыше. Вып. VII. Ташкент: Духовное и литературно-историческое издание, 2004. С.11.

¹⁴ ЦГА РУз, ф. р-39, оп.1, д.659а, л. 55.

¹⁵ Там же, ф. р-17, оп.1, д.798, л.1.

¹⁶ Там же, ф. р-39, оп.1, д.659а, л.58-58об.

¹⁷ Там же, л.56.

ки их легализации. Легализация была особенно важна в связи с Постановлением ТуркЦИК и СНК № 49 от 24 марта 1923 г. (осуществлена 18 апреля с.г. /Туркправда № 80/), по которому все религиозные общества и объединения, не преследующие в своей деятельности извлечения прибыли, должны были утверждаться и регистрироваться¹⁸.

Хотя большинство религиозных обществ и объединений не торопились выполнять данное Постановление, сам факт, что обновленческая организация ТЕУ уже была зарегистрирована и легально функционировала при советской власти, побуждал руководство Союза приходов предпринимать попытки официальной регистрации. Однако эти попытки не увенчались успехом – 12 мая 1923 г. Комиссариат внутренних дел Туркеспублики отказал Союзу в регистрации. Отказ был обоснован тем, что ранее уже была зарегистрирована организация православных общин Туркестана ТЕУ¹⁹. На повторное ходатайство Нарком внутренних дел 24 мая 1923 г. вновь ответил отказом по той же причине. Тогда Союз приходов вынужден был подать своё ходатайство в Президиум Туркестанского Центрального исполкома, что опять закончилось неудачей²⁰.

Попытки наладить организационную структуру Союза приходов также не увенчались успехом. 31 мая 1923 г. Лука (В.Ф. Войно-Ясенецкий) был избран епископом Туркестанским и Ташкентским, однако спустя 10 дней был арестован с протоиреем Михаилом Андреевым (председателем Союза приходов) и епископом Андреем (Ухтоминским). Им было предъявлено обвинение в организации “контрреволюционного заговора” на основании доноса обновленческого епископа Николая Коблова²¹.

Таким образом, благодаря существенным разногласиям в православной церкви большевики без особых трудностей ликвидировали лидеров православной церкви в Туркестане. Характерным доказательством этому может служить следующий документ из фондов ЦГА РУз, согласно которому 22 июня 1923 г. органами ГПУ было получено донесение председателя ТЕУ Николая К. о контрреволюционной деятельности 20 “тихоновцев-священников”, следовавших за “лже-епископом” Лукой, с просьбой “их выслать из края или обезвредить другим каким-либо способом”²².

¹⁸ Там же, л.225-225 об.

¹⁹ Там же, ф. р-17, оп.1, д. 798, л.4.

²⁰ Там же, л. 1-3.

²¹ Владимир, митрополит Бишкекский и Среднеазиатский. ... С. 9.

²² ЦГА РУз, ф.р-39, оп.1, д.659а, л.26.

Каковы же были причины столь радикальных действий обновленцев по отношению к своим единоверцам и передачи их в руки карательных органов? Причины, как показывают документы, заключались в следующем: обновленцы считали это единственно возможным способом для усиления своего влияния в регионе и стремились взять под контроль основные финансовые источники православной церкви в регионе. В одном из документов, датированных 21 июля 1923 г., председатель ТЕУ отмечал: "Туркестанская Епархия в настоящее время переживает острый период раскола: самыми богатыми храмами и приходами, а вместе с ними и материальными средствами завладели тихоновцы-автокефалисты". Обрисовывая положение Православной церкви в регионе, Николай подчеркивает, что "ТЕУ переживает в настоящее время всевозможные материальные затруднения и невзгоды" и утверждает, что "ТЕУ должно получить способы и средства бороться с врагами власти и церкви"²³. Приведенный документ свидетельствует о том, что, во-первых, руководство ТЕУ, несмотря на поддержку политики большевиков, не получало от них финансовой поддержки, во-вторых, до указанного времени, несмотря на содержание декрета "Об отделении церкви от государства и школы от церкви", православные общества в Туркестанском крае еще не лишились своего имущества.

В любом случае власть одобряла деятельность обновленчества и использовала указанные противоречия для закрепления контроля над религией. В секретном документе, направленном Сырдарьинским областно-городским исполкомом 26 января 1924 г. в НКВД, сообщается, что Сырдарьинский областно-городской исполком советов рабочих, красноармейских и дехканских депутатов решил поддержать обновленческие группы, потому что "среди староцерковников (ортодоксальное православие) есть еще и такая тенденция, как использовать разрешаемые собрания на пропаганду антисоветских идей и идей в борьбе против новой церкви" и что "новая церковь (обновленческое православие) еще слишком слаба". Поэтому рекомендовалось "не давать разрешения на организацию общин старой церкви", а для укрепления новой церкви "в ГПУ должны вестись переговоры с центром о замене епископа живой церкви более сильным священнослужителем, который сумел бы завоевать доверие и симпатию верующих"²⁴.

²³ Там же, л. 64-64 об.

²⁴ Там же, л. 221-221 об.

Деятельность обновленческих групп относительно позиций православия в регионе не была только негативной. В связи с запретом на религиозное образование в 1924 г. ТЕУ предприняло попытку открытия Туркестанского Богословского Института, задачей которого явилось "подготовить пастырей, проповедников и учителей церкви, а также предусматривалось свободное развитие богословской науки"²⁵. Но данная попытка не удалась.

В течение продолжительного и острого конфликта внутри православной церкви большевистская власть усиливала свои позиции и подготавливала законодательную почву для проведения репрессий в отношении религиозных групп. В инструкции «по вопросам, связанным с проведением декрета об отделении церкви от государства» (19 июня 1923 г. НКЮ и НКВД РСФСР), заметно увеличилось количество причин для закрытия церквей. Отныне, «если при обнаружении участия церковной группы в контрреволюционных выступлениях, если ощущается острый недостаток в зданиях для жилищных, санитарно-медицинских и т.п. целей и если трудящиеся массы попросили бы закрытие храма в форме многочисленных коллективных заявлений, резолюций и т.п.», то при условии внимательного рассмотрения вопроса церковь могла быть закрыта²⁶.

С этого времени в Туркестанском крае начинается процесс закрытия церквей, который мотивируется необходимостью использования их помещений для «существующих народных нужд». В 1923 г. ряд домашних церквей г. Ташкента были переоборудованы. Например, Ольгинская церковь (при богадельне) была переоборудована под общежитие для инвалидов, Богородинно-Рождественская (при больнице) и Александро-Невская (при бывшей семинарии) - под нужды некоторых учреждений и училищ²⁷.

Несмотря на такие условия, православных церквей в Узбекистане в первой половине 20-х годов XX века было гораздо больше, чем в других регионах бывшего Союза. Начиная с октябрьского переворота до 27 марта 1924 г. из 155 церквей, расположенных в Туркестанской епархии, были закрыты только 10²⁸. Один из циркуляров, разосланных в 1924 г. по всем областным исполкомам Туркеспублики, свидетельствует, что в указанное время «по Туркеспублике громадное боль-

²⁵ Там же, оп.2, д.287, л.352; ф.р-39, оп.1, д. 659а, л.330-332об.

²⁶ Там же, ф.р-39, оп.1, д. 659а, л. 157-160об.

²⁷ Там же, л. 522-523об.

²⁸ Там же, л. 259-261.

2005

шинство храмов всех вероисповеданий и культов принадлежит религиозным общинам и обществам»²⁹.

Если в первой половине 20-х годов основное внимание в религиозной политике советских властей было направлено на лишение религиозных групп их экономических и юридических прав, то со второй половины предпринимается попытка подавления религиозного сознания народа. С этой целью в Узбекистане под предлогом поднятия культурного уровня народа проводятся широкая антирелигиозная агитация и пропаганда, особенно в таких культурно-просветительских учреждениях, как клубы, библиотеки, красные чайханы, красные уголки, кинотеатры, музеи, парки культуры и отдыха.

Основной идейной силой в антирелигиозной борьбе выступал Союз Воинствующих Безбожников (СВБ). Образованный на своем первом съезде в апреле 1925 г., СВБ уже к середине того же года открыл свои ячейки в Ташкенте, Самарканде, Фергане и других городах. С 1927 г. СВБ публикует свой журнал «Безбожники» (Худосизлар) на узбекском языке, а также занимается рассылкой своих пропагандистов в разные области Узбекистана.

Между тем внутренний конфликт РПЦ закончился в начале второй половины 20-х годов победой ортодоксального православия. К 1926 г. в СССР приход обновленческой церкви составлял лишь 22% от общего православного прихода³⁰. Несмотря на эту победу, РПЦ, ослабленная вследствие многолетнего раскола, потерявшая в значительной степени свою экономическую базу, не могла уже противостоять давлению большевиков и окончательно капитулировала. 29 июля 1927 г. в «Известиях» была опубликована «Декларация митрополита Сергея», в которой глава РПЦ официально объявил о своей поддержке советской власти. Результатом данной Декларации стала значительная утеря церковью своего влияния и самостоятельности.

В Узбекистане, напротив, руководство православной церковью перешло в руки представителей обновленческой группы. Это стало возможным благодаря поддержке, оказанной обновленческой церковью большевистским властям на самых ранних этапах. В свою очередь власти предприняли ряд мер, таких как отказ в регистрации организационной структуры ортодоксальной православной церкви, арест и ссылка ее лидеров и других значительно ослабивших позиции ортодоксов

²⁹ Там же, л. 26.

³⁰ Гордиенко Н.С. Указ.соч. С.645.

в регионе. Однако экономическое положение обновленческой церкви Узбекистана продолжало оставаться тяжелым; церковное имущество находилось, в основном, в ведении местных советов. Усиливалась и антирелигиозная пропаганда большевиков, которые нередко клеймили «староцерковниками» и обновленческих священников³¹.

В целях преодоления создавшейся ситуации глава ТЕУ митрополит³² Николай 8 октября 1924 г. на Епархиальном собрании духовенства и мирян Туркестанской епархии призвал священнослужителей заняться физической работой. Он предложил священникам «прививать в жизнь идею трудового священства путем занятия сельским хозяйством, особенно пчеловодством, доступными ремеслами – переплетным, токарным, столярным и пр., культурой лекарственных растений, устройством садов и огородов», а также «стремиться к поступлению в кооперацию, кредитные товарищества, сельскохозяйственные общества»³³. Особенно обращает на себя внимание фраза «кооперация с сельскохозяйственными обществами». Хотя в своем докладе митрополит и не коснулся непосредственно проблем миссионерской деятельности, опасаясь реакции большевиков, его предложение показало направление, придерживаясь которого священники могли восстановить постоянный контакт с верующими и в определенной степени противостоять антирелигиозной пропаганде.

Однако при внешней легитимности православной церкви по отношению к курсу советских властей большевики продолжали ужесточать давление. 8 апреля 1929 г. Президиум ВЦИК принял постановление «О религиозных объединениях», которое в основных своих позициях действовало вплоть до 1990 г. Постановление, ставшее к тому времени господствующим, утвердило мнение о том, что «религиозные общества не вправе заниматься какой-либо иной деятельностью, кроме как удовлетворением религиозных потребностей верующих, преимущественно в пределах молитвенного здания». В документе также говорилось о необходимости вытеснения религиозных объединений из всех сфер жизни общества, где до этого они имели право действовать. Постановление предусматривало, что религиозные общества «не пользуются правом юридического лица». Последнее означало, что религиозным организациям запрещалось «создавать кассы взаимопомощи, кооперативы, производственные объединения и вообще пользо-

³¹ ЦГА РУз, ф.86, оп.1, д. 5435, л. 133-133 об.

³² С 1924 г. председатель ТЕУ назывался Митрополитом.

³³ ЦГА РУз, ф. р-39, оп.1, д.659а, л. 642 об.

ваться всем тем, что находится в их религиозных потребностях». Согласно документу, для совместного удовлетворения своих религиозных потребностей верующие граждане, достигшие 18-летнего возраста, могли объединяться в религиозные общества и группы в зависимости от количественного состава. Объединения верующих, не менее 20 человек, образует религиозное общество, а объединение, включающее меньшее количество, составляет группу. Как религиозное общество, так и группа могли приступить к своей деятельности только после регистрации в установленном порядке в органах государственной власти³⁴.

Таким образом, Постановление 1929 г. максимально ограничивало деятельность религиозных групп. Несмотря на это, уже в начале 30-х годов к используемым прежде в отношении религиозных учреждений агитациям, пропагандам и законным ограничениям большевистские власти начинают применять и террор.

В результате сложных политических процессов в течение 20-х годов XX века в Узбекистане в указанный период православных церквей было гораздо больше, чем в других регионах бывшего Союза. Однако уже к началу 30-х годов их число становится минимальным.

Чой Со Ёнг

XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРАВОСЛАВ ЧЕРКОВИ

Мақолада Октябрь тўнтаринидан сўнг Ўзбекистондаги православ черковидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар баён қилинган.

Муаллиф XX асрнинг 20-йилларида черковлардаги эскилик ва янгилик ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор қаратди.

Choi So Young

THE RUSSIAN ORTHODOX CHURCH AT THE UZBEKISTAN

On the basis of the Republic of Uzbekistan at 1920's, in this article the author shows the changes in the Russian Orthodox Church.

³⁴ Русская православная церковь и коммунистическое государство 1917–1941: документы и фотоматериалы. М.: Издательство Библейско-Богословского института св. апостола Андрея, 1996. С. 250–261.

Н.Мустафаева

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ДИНИЙ СИЁСАТИ

Ўзбекистонда совет ҳукуматида диний сиёсати турли босқичда ички ва ташқи омиллар таъсирида тўлқинсимон таҳлитда олиб борилди. Зотан, давлат томонидан ўтказилган ушбу сиёсат баъзан кескин, ҳатто қатағонгача бориб етган бўлса, баъзан қаттиққўлликни юмшатиш эвазига кишиларни совет тузумига муносабатини ўзгартиришга олиб келди. Бундай эгилувчанлик сиёсатининг олиб борилишидан мақсад ички ижтимоий ҳаётда дин ва давлат ўртасидаги меъёрий мувозанатни ушлаб туришда ва жаҳон ҳамжамиятида совет ҳукумати “атеистик жамият” бўлишига қарамай, виждон эркинлигини намоён этувчи “эркин” давлат эканлигини исботлашдан иборат эди.

1917 йил Октябрь тўнтаришидан кейин большевикларнинг марксистик таълимотга асосланган сиёсатининг энг муҳим банди сифатида динни давлатдан ажратиш, динсиз жамият қуриш ғояси белгилаб олинди. Аммо, минг йиллар давомида шаклланиб, ижтимоий ҳаётда қатъий ўрнашган диний жамиятдан динни инкор этувчи жамиятга бирдан ўтиш мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам большевикларнинг кескин олиб борган сиёсати халқнинг норозилигига ва қарши кучларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Натижада бу йилларда Туркистонда “босмачилик” номидаги миллий-озодлик ҳаракати вужудга келди ва у халқ томонидан қўллаб-қувватланди. Бу ҳаракат миқёси кенгайиб кетди ва жуда катта кучга айланди. Мавжуд кескин ва мураккаб вазиятда янги тузум, ҳатто қулаш даражасигача бориб етди. Совет ҳукумати халқнинг янги тизимга нисбатан норозилик кайфиятини олдини олиш мақсадида бир қатор чекинишлар қилди. Жумладан, иқтисодий, хўжалик ва маънавий ҳаётда бир қатор янги ёндашувларни ишлаб чиқди. Дин мазкур йўналишларнинг бир бўлаги эди ва шунинг учун ҳам баъзи бир диний эркинликларга ижозат берилди. Янги иқтисодий сиёсат даврида диний мактаблар фаолиятига йўл бериш, совет мактабларининг қуйи босқичларида дин дарсларини киритиш, вақф идораларини ташкил этиш ва ҳоказолар кузатилади. Афсуски, аҳолини жалб этиш ва мададига суяниш учунгина қўлланилган, келишувчилик позициясидан келиб чиқувчи ушбу тадбирларнинг барчаси вақтинчалик ҳолатлар эди, холос.

Кейинги босқич 1927-1941 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда ўз мавқеини тиклаб олган совет ҳукумати ўзининг кейинги босқич сиёсатини “динга қарши кураш” шиори остида ўтказди. 1927 йилдан рас-

мий равишда бошланган, келгуси йилларда авж олган “динсиз жамият” ғояси ва инсонлар онгидан диний эътиқодни сиқиб чиқариш ҳаракати совет давлатининг барча тадбирларида ўз аксини топа бошлади. Зеро, дин ўз таълимоти доирасидаги эътиқод қилувчиларни бирлаштирувчи, ижтимоий, маънавий, ахлоқий муносабатларга таъсир этувчи, турмуш тарзини тартибга солувчи ва назорат қилувчи, жамият ва шахсни ўзаро алоқадорлигини таъминловчи компонентларни ўзида муҳассамлаштирган катта куч эди. Бу вазият эса “социалистик ғоя”ни инсонлар онгига сингдириш ва уларни интернационал руҳда тарбиялашга ҳалақит берарди. Айниқса, Ўрта Осиё, чунончи Ўзбекистонда бу сиёсатга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, асосий диний эътиқоди ислом асослари бўлган мазкур ўлкани тарихи ва тараққиёт йўллари бир бўлган чегарадош мусулмон давлатларидан ажратиб, алоқаларни узиб ташлаш орқали бошқариш белгиланган эди. “Совет эътиқоди”ни шакллантириш йўлининг асосий мафкуравий қуроли сифатида атеизм танланди. Чунки, атеизм худо ва динни инкор этувчи таълимот бўлиб, у айниқса марксизм-ленинизм ғояларида ўз “мукамаллиги”га эришган, унинг тарғиботи кишиларни диндан юз ўгиришларига қаратилган эди. Зеро, “атеистлар мамлакатада” турли миллат ва элатларни ягона ғоя ҳамда ягона маданият атрофида бирлашган халқ сифатида бошқариш бирмунча осон кечарди. 1927 йил июнь ойида Ўзбекистон коммунистик партиясининг 6-плenumsида “Руҳонийлар ва мактаб тўғрисида”ги масала муҳокама қилинди ва эски усул мактабларни ёпиш, руҳонийларни қувғинга олиш, маориф соҳасида атеистик билимларни ривожлантириш масалалари белгилаб олинди¹. Пленум резолюциясида руҳонийлар ва диндорлар “совет тизимида душман бўлган энг асосий куч” деб таъкидланди ва улар қаттиқ таъқиб остига олинди. Динга қарши кескин кураш бир неча йўналишларда олиб борилди. Булар хотин-қизларни эмансипацияси масаласи, мактаб ва ўқув юртларида атеистик тарбияни кучайтириш, араб ёзувидан лотин алифбосига ўтиш ва бошқалар ҳамда бу тадбирларнинг ижросини сиёсий даражага кўтариш шулар жумласидандир. Бундай атеистик ҳаракатларни оммавийлаштириш мақсадида “Курашчан худосизлар” кенгашлари тузилди. 1928 йилда Ўзбекистонда фаолият бошлаган “Курашчан худосизлар иттифоқи” 1941 йилга келиб 160 мингдан ортиқ аъзога эга эди². Бу кенгаш ўзининг “Худосизлар” журнали ва кейинроқ “Худосиз” газетаси наш-

¹ Пўлатов Ф. Эътиқодлар кураши. Тошкент, 1964. 44-бет

² Саидбаев Т.С. Ислам и общество (опыт историко-социологического исследования). М.: Наука, 1978. С.165.

рини йўлга қўйган эди. 1929 йилдан Самарқанд Олий педагогика институту ва Тошкент Ўрта Осиё Коммунистик университети қошида динга қарши қаратилган ташвиқотчи-атеистлар тайёрлайдиган бир йиллик ўқув курслари очилди.³ 30-йилларга келиб, атеистик руҳдаги адабиётлар оммавий равишда чоп этила бошланди. Масалан, 1939-1940 йиллар мобайнида ўзбек тилида 470 минг нусхада 30 хил номдаги динга қарши қаратилган адабиётларнинг нашр этилиши, 1940 йилнинг биринчи ярим йиллигида республика газеталари саҳифасида 170 та мақоланинг мазкур мавзуга бағишланганлиги⁴ бу сиёсатнинг нақадар кенг миқёсда олиб борилганлигидан далолатдир. Динга қарши кураш компаниячилиқ тусини олди. Инсонларни жисман йўқ қилиш тадбирлари орқали уларни ҳаётга шубҳа ва қўрқув назари билан муносабатда бўлишларига олиб келди.

Навбатдаги босқич 1942-1960 йиллардан иборат бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши даврида атеистик кураш бир оз сусайди. Зеро, Ўзбекистон фронт орти ҳудуди бўлса-да, уруш оқибатлари ўз таъсирини кўрсатди, яъни кўпгина қурбонлар, аҳоли иқтисодий аҳволининг пасайиб кетиши ва бошқа кўплаб омиллар кишиларни диний эътиқодларини ошқора равишда амалга оширишларига сабаб бўлди. Мусулмон ташкилотлари ва руҳонийлар бу даврда ватанпарварлик позициясини эгалладилар. Чунки, душманлик ва зўравонликка қарши кураш, офир шароитда халқларнинг бирлашиш зарурияти, мавжуд динлар қатори ислом динининг ҳам асосий тамойилларидан бири бўлиб, мазкур вазиятда у қайси жамият бўлишидан қатъий назар, ўз она-Ватани ҳимояси учун қаратилган бўлиши керак эди. 1943 йил СССР ҳудудида бир қанча диний ташкилотлар тузилди. “Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси” (ЎОМДБ) ва “Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиал бошқарма”лари Тошкент шаҳрида жойлашган эди⁵. Уруш йилларида совет ҳукуматининг бундай ён бериши бежиз эмасди. Зеро, халқлар диний эътиқодига эркинлик бериш орқали уларни ғалабага ишончини ошириш ва мустаҳкам фронт ортига эга бўлиш имконияти кенгайган эди. Иккинчи тарафдан эса ҳукумат диний ташкилотлардан жуда катта молиявий ёрдам кўрди, чунки халқ диний эҳтиёжларини амалга оширганга ҳар қандай маблағни аямас эди. Дарҳақиқат, уруш йилларида, айниқса ЎОМДБ фаолияти анча кенг бўлди. Унинг фатвоси би-

³ Пулатов Ф. Эътиқодлар кураши. Тошкент, 1964. 53-бет.

⁴ Саидбаев Т.С. Ислам и общество (опыт историко-социологического исследования). С. 166.

⁵ ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-руйхат, 284-иш, 38-варақ.

2005

лан мачитларда фронт эҳтиёжлари ва жангчиларнинг оилалари учун пул, кийим-кечак, озиқ-овқат, ҳатто танк қурилиши учун маблағ тўплаб берилган. Масалан, 1943-1944 йиллар мобайнидаги ЎОМДБ ҳисобига тушган нақд пуллар жами 970.405 сўм 09 тийинни ташкил қилиб, унинг 876626 сўм 17 тийин танк колоннаси ва қизил аскарлар оиласига ажратилган эди⁶. ЎОМДБ нинг асосий моддий базаси мачит, зиёратгоҳлардан тушган закот, фитр, ҳамда садақа ҳисобига бўлиб, айниқса бу маблағ “Рамазон ҳайити”, “Қурбон ҳайити” даврида миқдори ошиб борган ва давлатнинг молиявий кўмагига эҳтиёж ҳам сезилмаган. Чунки, бошқарма ташкил топгандан эътиборан, фаолиятини чеклаш ва сиқиб қўйиш мақсадида, у ҳеч қачон давлат таъминотида бўлмаган. Айнан шу даврда илгари ёпиб юборилган мачитларнинг қайта очилишига Москва орқали рухсат берила бошланади ва уларнинг сони бирмунча ортган. Масалан, 1944-1947 йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳудудида 81 та мачит рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг фаолиятига расман рухсат берилган эди⁷. Албатта, уларда намоз ўқувчилар сони кўпайди, турли диний маросимлар ўтказиш авж олди.

Аммо, совет ҳукуматининг диний сиёсати иккиёқлама ўйин майдонига ўхшар эди. Зотан, мамлакатдаги диний ҳолат ва диний ташкилотларнинг эркин фаолиятига йўл қўймаслик мақсадида СССР Халқ комиссарлари Совети (ХКС)нинг 1944 йил 20 майдаги ва ЎзССР ХКС 1944 йил 9 августдаги қарорларига асосан, бутун область ижрокомлари ва ҚҚАССР ХКС қошида “Диний ишлар кенгаши вакиллиги” таъсис этилади. Унинг асосий вазифаси республикадаги диний вазият, диний ташкилотлар фаолиятини чуқур ўрганиш ва умумлаштирган ҳолда, доимий равишда Марказга ҳисобот бериб боришдан иборат бўлди⁸. Шунингдек, ВКП(б) Марказий Комитетининг 1944 йил 27 сентябрдаги “Илмий-маърифий тарғиботни уюштириш ҳақида”ги фармоёйиши эълон қилиниб, унда аҳоли ўртасида табиий-илмий мавзуларни кенг ёйишда партия ташкилотлари, халқ маорифи соҳаси вакиллари ва зиёлиларни сафарбар қилиш масалалари кўриб чиқилади⁹.

Шунга қарамай, 1944-1956 йилларда совет давлатининг ички сиёсатида бир оз бўлса-да диний эркинликнинг берилганлигини кузатиш мумкин. Масалан, 1944 йилдан бошлаб ва келгуси даврларда (1945-1946 йиллар бундан мустасно-Н.М.) Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусул-

⁶ ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 51-варақ.

⁷ Ўша жойда, 109-иш, 1-20-варақлар.

⁸ Ўша жойда, 2-иш, 2-варақ.

⁹ О религии и церкви. М., 1981. С.67-68.

монлари учун кўп йиллик танаффусдан сўнг Маккаи Мадинага ҳаж сафари учун йўл очилди. Масалан, 1944 йилда Совет Иттифоқидан 6 киши ҳаж сафарига юборилган бўлса, “энг катта” кўрсаткич 1953 йилда кузатилди, яъни 23 киши ҳожи бўлиб қайтган эди¹⁰. Келгуси узлуксиз даврларда бу кўрсаткич 15-18 кишидан оширилмаган. Шу ўринда айтиш жоизки, ҳаж сафарига борганларнинг 50-60 фоизини доимо ўзбекистонликлар ташкил этган. Мазкур ҳолат энг кўп аризалар улардан тушганлиги ва ЎОМДБ нинг айнан Тошкентда жойлашганлиги билан ҳам белгиланади. Бу ижтимоий-сиёсий мафкура динга қарши курашга қаратилган жамият учун ғоятда ноёб ҳодиса ҳисобланарди. Албатта, ҳаж сафари фақатгина дин арбоблари ва диний эътиқоди жуда юқори бўлган кишиларнигина қаттиқ текширув ва назорат остида юборилганлигини, оддий халқ учун ушбу ҳолат ҳатто, номаълум эканлигини эътиборга олинса, кўпмиллионли совет мусулмонлари учун бу рақамлар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги яққол намоён бўлади.

Советлар юртида ислом дини эркинлигини исботлаш мақсадида СССР ЖКСнинг 1945 йил 10 октябрь қарорига кўра, Тошкент ва Бухоро шаҳарларида мусулмон диний ўқув юртларини очилишига рухсат этилади. Бухородаги “Мирараб” мадрасаси 1946 йилда, Тошкентдаги “Бароқхон” мадрасаси 1956 йилдан ўз ўқув фаолиятларини йўлга қўйди¹¹. 50-йилларнинг ўрталарида ёшлар орасида бу ўқув юртида ўқишни истовчилар кўпая бошлади. 1958 йилда “Қуръон” китобини 4000 нусхада чоп этишга рухсат этилди¹². Зотан, урушдан кейинги даврларда дунё мустамлака тизимининг емирилиши натижасида кўпгина мусулмон мамлакатларининг озодликка эришуви жараёни ва уларнинг сиёсати мафкуравий жанг майдонига айланганини кузатамиз. Шубҳасиз, социалистик лагерни яратаётган Совет Иттифоқи учун ислом дунёсига ўз юртидаги “озод мусулмонлар” қиёфасини яратишга интилиш ва диний эътиқодларга ҳеч қандай “монелик йўқ” лигини исботлаш ўта муҳим сиёсат эди. Шунингдек, СССРнинг халқаро алоқалари кенгайиб, кўплаб хорижий меҳмонлар учун Ўзбекистон Шарқнинг “энг озод” совет республикаси сифатида кўрсатилар эди. Шунинг учун ҳам ЎОМДБ нинг жаҳон миқёсидаги фаолияти кенгайди. Масалан, 1955-1958 йиллар мобайнида бу ташкилотга 120 дан ортиқ хорижий давлат делегациялари ташриф буюрган эди¹³. Табиийки, атеистлар юртида динга берилган ушбу “имкониятлар” дунё ҳамжамияти учун мамла-

¹⁰ ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 154-иш, 104-варақ.

¹¹ Ўша жойда, 226-иш, 61-варақ.

¹² Ўша жойда, 267-иш, 91-варақ.

¹³ Ўша жойда, 226-иш, 58-варақ.

катдаги “виждон эркинлиги”ни кўз-кўз қилиш учун белгиланган, аслида эса уларнинг барчаси қаттиқ назорат ва чеклашлар эвазига амалга оширилган.

Кейинги босқич, яъни 1960-1980 йиллар давомида ҳукуматнинг иккиёқлама диний сиёсати давом эттирилди. Мафкуравий - атеистик тарғибот кучайтирилди. СССР Конституциясида фуқароларнинг виждон эркинлигига рухсат этилган бўлса-да, лекин партия ташкилотлари бу борада қатъий қарорларни белгилаб қўя бошлади. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг 1960 йил 13 январь ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг 1960 йил 4 февралдаги “Руҳонийлар томонидан қонунчилиқни бузилишини олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорлари¹⁴ диний сиёсатда давлат назоратини ва атеистик кураш-ни янада кучайтиришда муҳим омил бўлди. Бу даврда фанни динга қарши қўйилиши ва улардан атеистик тарғиботда кенг фойдаланиш¹⁵, илмий атеистик жамият ва музейларнинг ташкил топиши, жамиятда, айниқса ёшлар орасида даҳрийликни кучайтириш ва соф коммунистик мафкурани яратиш авж олди. Бу даврда динга қарши кураш “эҳтиёткор” сиёсий мафкура кўринишида эди. 1964-1965 ўқув йилидан бошлаб, келгуси даврларда барча университетлар, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, педагогик олий ўқув юртларида “Илмий атеизм асослари” фани мажбурий равишда киритилди ва имтиҳонлар белгиланди¹⁶.

Мазкур тадбирлар диний эркинликни сиқув остига олинишига сабаб бўлди. Бу йилларда диний ташкилотларнинг фаолияти чекланди, бир қатор мачитлар ёпиб қўйилди. 1961 йилда “Бароқхон” мадрасасининг фаолияти тўхтатилди. “Мирараб” ва “Бароқхон” мадрасаларидаги талабаларнинг умумий сони 90 кишидан 40 нафарга қисқартирилди¹⁷. Ислом диний байрамлари ҳисобланган “Рамазон ҳайити” ва “Қурбон ҳайити” га минглаб мусулмонларнинг иштирок этиши ва оилаларда кенг нишонланишига партия ҳукумати бефарқ қараб туролмасди. Шунинг учун ҳам кишиларнинг диний маросимларни бажарилиши қаттиқ назорат ва танқид остига олинди. Бунинг оқибатида фуқароларнинг ҳаётига нафақат маънавий, шу билан бирга моддий зарар, яъни лавозимлардан четлаштириш, мукофотлар, рағбатлардан маҳрум бўлиш каби тазйиқлар хавф солиб турарди.

Аммо, шу билан бирга жаҳонга диний эркинлик мавжудлигини ис-

¹⁴ ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 267-иш, 79-варақ.

¹⁵ Авезов Р., Авезов М. Атеистик тарғиботда химиявий билимлардан фойдаланиш. Тошкент, 1978.

¹⁶ О религии и церкви. С. 84.

¹⁷ ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 500-иш, 56-57-варақлар.

боглашга кўп бора ҳаракат қилинарди. Масалан, ЎОМДБ томонидан 1968 йилдан эътиборан ташкилот нашри бўлган “Совет Шарқи мусулмонлари” журнали доимий равишда ўзбек, рус, инглиз, араб тилларида чоп этиб борилди, «Қуръон» китоби бир неча маротаба нашрдан чиқарилди. Шу билан бирга ислом олаmidан ташриф буюрган барча меҳмонлар албатта, Имом Исмоил ал-Бухорий қабрини зиёрат қилишни истардилар. Бу хусусда, ЎОМДБ ва совет органлари ўртасида бир неча тортишувлар ҳам бўлиб ўтган эди. Чунки, қабр ва унинг атрофи жуда ачинарли ҳолда бўлиб, ЎОМДБ таъмирлаш ишларини ўз бўйнига олишни истар, аммо мутасадди ташкилотлар бунга йўл бермас эдилар. Шунга қарамай, ЎОМДБ қабрни бир оз бўлса-да тўзрилаб қўйган, чунки хорижий меҳмонларнинг аксарияти зиёратгоҳни таъмири учун маблағ бериб кетардилар. Масалан, 1961 йил июлда ташриф буюрган Марокаш диний делегацияси раҳбари Аллал-ал-Фасси Имом ал-Бухорий қабрини зиёрат қилиб, ўз қироли номидан пул маблағи топширади ва суҳбатда Марокаш университетларида талабалар алломанинг китоблари асосида ўқитилиши, қирол армияси аскарлари унинг номи билан ҳарбий қасамёд қилишларини таъкидлаб ўтган эди¹⁸. Марокашлик меҳмонлар Ҳадис илми асосчининг қабрини зиёрат этганликларидан миннатдорликларини, аммо унинг қаровсиз, очиқ осмон тагида эканлигидан ғоятда ҳайратда эканликларини яширмаганлар. Бундай танқидлар бўлишини истамаган Ўзбекистон Республикаси диний ишлар кенгаши раиси Исмоил Бухорийнинг зиёратгоҳини таъмирлашдан кўра, унинг ҳокими Бухоро шаҳрига кўчириш “арзонроқ” тушишини таклиф ҳам этган эди¹⁹. Бироқ, бу таклифлигича қолаверган ва ЎОМДБ ташаббуси билан Имом ал-Бухорий қабри таъмир этилиб, қабри устига меъморий ёдгорлик ўрнатилган. 1974 йилда Имом ал-Бухорийнинг 1200 йиллик юбилеи ўтказилиб, унга ислом дунёси вакиллари таклиф этилган эди. Бу тадбир муносабати билан “Саҳиҳ ал-Бухорий” тўплами, И.М.Соттиев томонидан тайёрланган “Усмон Қуръони тарихи” китоби чоп этилади²⁰. Албатта, ушбу нашрлар кенг китобхонлар оммаси учун қатъий ман этилган бўлиб, улар фақатгина хорижий меҳмонлар ва чет эл ваколатхоналари учун тайёрланган эди. 1971 йилда эса Тошкентда юқори малакали диний мутахассисларни тайёрловчи “Олий диний мактаб” ўз фаолиятини бошлайди. Ундаги талабалар таркиби 15 кишидан оширилмаган ва собиқ Иттифоқ учун ягона муассаса

¹⁸ ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 290-иш, 43-варақ.

¹⁹ Ўша жойда, 267-иш, 162-163-варақлар.

²⁰ Ўша жойда, 538-иш, 12-13-варақлар.

эди. Ушбу ҳолатлар оддий халқ учун номаълумлигича қолаверган ва бу тўғридаги маълумотлар турли тўсиқлар туфайли оммалашган ҳам эмас.

Ўзбекистонда динга қарши кураш 1980-1987 йилларда энг юқори чўққига етди. Барча партия пленумларида диний мафкурага қарши кескин сиёсий кураш олиб бориш зарурлиги қайд этилди²¹. 1981 йил Тошкентда Бугуниттифоқ илмий атеизм институтининг республикалараро филиалининг очилиши²² ҳам бу йилларда динга узил-кесил барҳам беришга қаратилган тадбир эди. Ушбу мақола муаллифининг хотираларидан маълумки, 1983 йилда Тошкент шаҳридаги 124 - ўрта мактабнинг бир гуруҳ 13-14 ёшли ўқувчиларида Қуръон оятларига қизиқиш уйғониб, уни ўрганишга аҳд қилишади, мусулмончилик амалларидан бўлган рўзани туташади. Мазкур факт район партия мутасадди ташкилотларига маълум бўлгач, текширув юборилади. Текширувчилар дарсга кириб, ҳар бир болага қурт ейишни буюрганлар ва бу жараёнда рўза тутган болалар, эътиқодларига содиқ бўлиб, қаршилиқ ҳам кўрсатган эдилар. Шу воқеа туфайли мактаб маъмурияти, болаларнинг ота - оналари ўз иш жойларида турли жазога тортилганлар, “Ёш ленинчи” номли республика газетасида ушбу факт юзасидан катта фелъетон²³ ҳам босиб чиқарилган эди. Мазкур ҳолат атеистик кураш нақадар кучли ҳаракатга айланганлигидан ва у кишиларнинг эътиқод эркинликларига ҳам аралашувидан далолатдир. Бу даврда, ҳатто халқ байрамларига ҳам диний бўёқ берилди бошланди. Айрим партия ходимларининг “билимсизлик, тарихдан беҳабарлик, халқ ҳаётидан йироқлик, ўзини ўта даҳрий қилиб кўрсатишга уриниш”²⁴ лари натижасида Наврўз, Меҳржон байрамлари тақиқлаб қўйилди. Баҳор таоми сумалакка ҳам диний тус берилиб, у яширинча тайёрланди. Мазкур йилларда раҳбар кадрларни ва умуман, давлат органларида хизмат қилувчи кишиларнинг диний байрам, маросимлардаги иштирокини тақиқлаш ва жазолаш янада авж олди.

Совет ҳукуматининг халқлар маънавияти устуни бўлган динни сиқиб чиқаришга бўлган ҳаракати, ягона совет халқи яратиш ғоясини сингдириш, айниқса, иттифоқ даврининг сўнгги йилларида кучайди ва баъзи бир ҳолларда ўз самарасини берди. Ушбу меъёрий тақиқлар

²¹ Закон.Религия.Церковь.Ташкент: Узбекистон, 1987. С. 70-71.

²² ЎзМЭ. 1-жилд. Тошкент, 2000. 483-бет.

²³ Содиқов С. Болалар “гап” ўйнапти. . . //Ёш ленинчи. 1984. 7 апреля.

²⁴ Макатов И. Ислоҳ ва Ўрта Осиё халқларининг миллий анъаналари// Атеистик суҳбатлар. Тошкент, 1990. 188-бет.

туфайли миллий қадриятларга эътибор, диний эътиқод сусайди, диний саводсизликни келтириб чиқарди. Аммо, динга қарши кураш қанчалик кучайтирилса ҳам кишилар ўз диний эътиқодларини давом эттиравердилар. Бу ҳолат уларнинг ўз диний амалларини пинҳона бажаришларига, бирёқлама йўналтирилган мафкуравий тарғибот оқибатида ман этилган ғояни ўрганишга қизиқишларини ортишига олиб келган эди.

Н. Мустафаева

РЕЛИГИОЗНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

В статье рассматривается политика советских властей в сфере религии в Узбекистане в 1917 - конце 80-х годов XX в. Привлекая к исследованию данного вопроса новые архивные материалы, автор делает попытку выявить направления и тенденции данной политики в зависимости от внешних и внутренних факторов. Характеризуя религиозную политику советских властей в республике, отмечает присущую ей "двойственность" и "волнообразность".

N.Mustafaeva

RELIGIOUS POLICY OF SOVIET GOVERNMENT IN UZBEKISTAN

This article is devoted to studying the Soviet governments policy in religious sphere in Uzbekistan in 1917 – the end of 80-es of 20 century. An author, attracting new archive materials to the research of this problem, makes an attempt to determine directions and tendencies of the policy depending on external and internal factors. Characterizing religious policy of Soviet government in the Republic N.Mustafaeva notes its "duality" and "wavelikeness".

*Ҳозирги замон долзарб муаммолари**Н. Зиямов***МЕЖЦИВИЛИЗАЦИОННЫЕ ОТНОШЕНИЯ В ФОКУСЕ
ИССЫККУЛЬСКОЙ МЕЖДУНАРОДНОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ**

Вопрос взаимоотношения цивилизаций, возможного их столкновения в условиях глобализации мировых процессов сегодня находится в центре внимания международных организаций, руководителей государств и правительств, военных, учёных-политологов, социологов, историков, деятелей культуры и искусства, религий, волнует миллионы простых людей, стремящихся к укреплению мира и стабильности на планете.

Проблема столкновения цивилизаций на общественном уровне впервые была поднята в научных трудах учёных западных стран в конце прошлого столетия, в том числе в книгах и статьях профессора Гарвардского университета Сэмюэла П. Хантингтона¹. Анализируя межцивилизационные отношения, С. Хантингтон подчеркивает, что человеческая история – это история цивилизаций. В истории сменяются поколения цивилизаций: от древних шумерской и египетской через классическую и мезоамериканскую к христианской и исламской, а также через последовательные проявления китайской и индуистской цивилизаций. Цивилизация представляет собой самую широкую культурную общность людей и самый широкий круг их культурной идентификации. Цивилизация определяет и такие общие объективные элементы, как язык, история, религия, традиции. У цивилизаций не бывает чётко обозначенных границ, точного начала и конца. Они смертны, но вместе с тем живут долго, эволюционируют, адаптируются и являются наиболее постоянными человеческими объединениями. С. Хантингтон делит государства различных цивилизаций на **сердцевинные**, ведущие страны существующих цивилизаций, **надгреснутые**, где представлены представители нескольких цивилизаций, **расколотые**, где народы, принадлежащие к одной цивилизации, расколоты на несколько частей, **одинокие** типа Японии, представляющей особую цивили-

¹ Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // Полис. 1994. № 1; Его же. The Clash of Civilizations and Remaking the World Order. Simon Schuster. New York, 1996. P. 368.

зацию. В каждой цивилизации сердцевинные государства выступают главным источником культуры. Характеризуя современную, после периода “холодной войны”, структуру и отношения между цивилизациями, С.Хантингтон указывает, что во многих цивилизациях определились сердцевинные государства. У китайской, православной и индуистской цивилизаций есть по одному абсолютно доминирующему сердцевинному государству (Китай, Россия, Индия). У Запада исторически всегда бывало по несколько сердцевинных государств; сейчас у него два ядра: Соединённые Штаты Америки и Франко-германское ядро в Европе. У ислама, Латинской Америки и Африки сердцевинных государств нет. Отчасти это объясняется империалистической политикой западных государств, которые поделили между собой Африку, Ближний и Средний Восток, а в более ранние века и менее отчётливо - Латинскую Америку. Отсутствие исламского сердцевинного государства, пишет С. Хантингтон, создаёт много серьёзных проблем как мусульманским, так и немусульманским обществам.

Широкий резонанс в мире, как известно, получили не общие рассуждения учёного о цивилизациях, их особенностях, а его вывод о возможности конфликтов и столкновений между цивилизациями. С. Хантингтон делает заключение о том, что **межцивилизационный конфликт принимает две формы. На локальном уровне** возникают конфликты по линии разлома – между соседними государствами, относящимися к различным цивилизациям, между разноцивилизационными группами внутри государства или же между группами, которые пытаются создать новые государства на развалинах старых. **На глобальном уровне** возникают конфликты между сердцевинными государствами различных цивилизаций. Предметы таких конфликтов являются классическими для международных отношений. Среди них можно назвать конфликты из-за:

- 1) влияния на формирование глобальных процессов и на действия таких глобальных международных организаций, как ООН, МВФ и Всемирный банк;
- 2) военной мощи; такие конфликты проявляются в разногласиях по поводу нераспространения ядерного оружия, контроля над вооружением и в гонке вооружения;
- 3) экономической мощи и благосостояния; такие конфликты проявляются в спорах по вопросам торговли, капиталовложений и другим проблемам;
- 4) людей; такие конфликты влекут за собой стремление государств

одной цивилизации защитить своих соплеменников в другой цивилизации, дискриминировать или изгнать со своей территории людей другой цивилизации;

5) моральных ценностей и культуры; такие конфликты возникают, когда в отношениях с народами других цивилизаций государство пытается продвигать собственные ценности, навязывать их;

6) территории – время от времени; в таких случаях сердцевинные государства участвуют в конфликтах по линии разлома, сражаясь в первых рядах.

Разумеется, эти проблемы извечно бывали источниками конфликтов между людьми. Однако, если в них вовлечены государства, принадлежащие к различным цивилизациям, указывает С. Хантингтон, культурные различия обостряют конфликты².

Он обозначил и субъекты глобального конфликта, по его мнению, – это ислам и христианство. При рассмотрении данного вопроса в современных условиях С. Хантингтон допускает смещение акцентов, преднамеренно или не осознавая ошибочность своего подхода к рассматриваемой проблеме, отождествляет экстремизм и терроризм, прикрывающийся исламом, с самой религией – одной из миролюбивых конфессий мира. Подобная научная недобросовестность может иметь или скорее всего уже имеет свои далеко идущие политические последствия и ни в коей мере не способствует мирному сосуществованию двух мировых религий, укреплению в сознании и действиях людей, представляющих христианство и ислам, терпимости, может стать почвой для разжигания межконфессиональной и межнациональной розни.

Об усилении в обществе националистических настроений, проявлений нетерпимости к представителям других рас, конфессий с тревогой говорил и муфтий России Таджуддин 14 ноября 2004 г. в соборной мечети в Москве на молебне в связи с завершением мусульманского поста Рамазан³.

Российская “Независимая газета”, отмечая активизацию в стране деятельности организаций, движений и групп расистской и шовинистической направленности, указывает, что такой террор может остановить только государственная власть⁴.

Серьезность рассматриваемой проблемы настолько велика, что зас-

² Samuel P. Huntington. The Clash of Civilizations and Remaking the World Order. Simon Schuster, New York. 1996. P. 172-179.

³ Независимая газета. 2004. 15 ноября.

⁴ Там же. 22 октября.

тавляет и международные организации более внимательно рассматривать вопросы межцивилизационных отношений, искать пути усиления диалога культур в борьбе с религиозным экстремизмом и международным терроризмом. Только в рамках ООН проблема межцивилизационных отношений несколько раз рассматривалась на уровне международных конференций, в 2001 году – в Нью-Йорке, в 2003 году – Нью Дели и в июне 2004 года – на Иссык-Куле (Кыргызстан), организованной ЮНЕСКО.

Тема иссыккульской конференции – “Евразия в XXI веке: диалог культур или конфликт цивилизаций?” В ее работе приняли участие государственные деятели, учёные, представители культуры, искусства, неправительственных организаций из десятков стран, в том числе из США, Великобритании, России, Турции, Туркменистана, Ирана, Пакистана, Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана, Узбекистана, Афганистана и других государств, представители ООН, ЮНЕСКО и ряда других международных организаций⁵. На конференции были обстоятельно рассмотрены как актуальность межцивилизационных отношений в условиях глобализации в целом, так и опыт межкультурного диалога, накопленный на евразийском пространстве, современные проблемы в этой сфере и пути их решения, совершенствование межцивилизационных отношений. В докладах и выступлениях на пленарных, секционных заседаниях высказывались порой и диаметрально противоположные мнения о конфликте цивилизаций. Были и такие выступления, в которых делались выводы о том, что “проблема конфликта цивилизаций является надуманной и концепция столкновения носит только наукообразный характер, а причины любых конфликтов надо искать не в области взаимоотношения цивилизаций, а в сфере политики, экономики и культуры”.

Высказывались и другие точки зрения. По мнению доктора Мехди Санаи из Ирана, надо различать “глобализацию, которая предполагает добровольное согласие и желание народов, от глобализма, являющегося западным проектом и направленным на продление своего господства над миром”. Глобализм, отмечает он, это – принуждение, а потому данный проект почти повсеместно встречает сопротивление, ведет к противостоянию культур⁶.

⁵ Материалы Иссыккульской международной конференции 2004 года. Из доклада Генерального директора ЮНЕСКО К.Мацууре.

⁶ Копия выступления доктора Мехди Санаи на Иссыккульской международной конференции 2004 года.

Целый ряд выступлений на конференции были посвящены проблемам модернизации и вестернизации.

В современных условиях немало стран Востока учитывают опыт Запада в модернизации своего общества, стремятся к построению демократического государства, рыночной экономики, используют научно-технические достижения западных стран. Некоторые из них достигли ощутимых результатов, в их числе Япония и Республика Корея. По этому пути идут и молодые независимые государства Центральной Азии. В плане модернизации категорического неприятия достижений западной цивилизации не наблюдается. В условиях глобализации мир все больше превращается в единый взаимосвязанный организм, единое общество. Современная глобальная экономика является трансрегиональной. Создание и развитие Европейского Союза – еще один признак снижения значимости “национального государства” в геополитике. Более сложным является положение в сфере культуры, во взаимоотношениях религий. Западная культура с помощью современных информационных технологий всё больше проникает во многие страны планеты, самые отдалённые уголки мира. Доктор Парвиз Мереведж, пакистанец по происхождению, воспитанный с 13 лет в США, отмечает, что “этническое и религиозное разнообразие дестабилизирует социальный характер глобального общества”. Являясь по сознанию представителем западной цивилизации, он стремится развеять опасения представителей других цивилизаций относительно вестернизации и в связи с этим указывает, что к 2065 г. американцы европейского происхождения станут меньшинством, большинство американцев по происхождению будут афро-американцами, азиатами и выходцами с Ближнего Востока, испанцами. Тот же тип интеграции прогрессирует в Западной Европе. П.Мереведж предлагает идти путём диалога цивилизаций⁷. В отличие от П.Мереведжа профессор Р.Е.Батлер из штата Юта США отмечает, что “религиозное разнообразие – это мощная тенденция, формирующая современный мир. Это разнообразие прибывает по мере того, как народы различных стран, верований и культур общаются более свободно”⁸.

Значительное место в выступлениях участников конференции уделялось вопросам распространения культуры веротерпимости, которая

⁷ Копия выступления доктора Парвиза Мереведжа на Исыккульской международной конференции 2004 года.

⁸ Копия выступления профессора Р.Е. Батлера на Исыккульской международной конференции 2004 года.

будет способствовать большему взаимопониманию между религиями и созданию условий, когда религиозные учёные смогут вести широкую дискуссию об общем и различном в представляемых ими религиозных системах.

На конференции был освещён и опыт некоторых республик Центральноазиатского региона в вопросах культурного взаимодействия с западными и другими странами, создания условий для развития культур этнических групп, сотрудничества различных религий. В частности, в условиях независимости перед Узбекистаном открылись широкие возможности для приобщения к мировым культурным процессам. Деятели культуры, искусства республики активно участвуют в международных фестивалях, иных культурных форумах, проводимых в разных государствах мира, при содействии правительства Узбекистана выступают с концертами в США, Великобритании, Франции, Германии, Турции, Индии, Японии, Китае, Малайзии и других странах⁹. Международные культурные мероприятия организуются и в самом Узбекистане. Например, традиционный международный музыкальный фестиваль "Шарқ тароналари" ("Мелодии Востока"), который проводится в Самарканде с 1997 г. и собирает лучших деятелей музыкального искусства из многих стран мира¹⁰. Всё это способствует культурному взаимодействию между народами, позволяет сохранять культурную самобытность каждого из них.

Исходя из близости культур народов Центральной Азии и указания Президента И.Каримова о том, что Узбекистан может и должен быть инициатором культурной интеграции стран региона¹¹, правительство страны в 90-е годы способствовало также культурному обмену между этими странами.

Народы, проживающие в Узбекистане, отличаются и веротерпимостью. В настоящее время в республике представлено около 20 конфессий, наиболее крупные из них – ислам и христианство. Они участвуют в общественной жизни, вносят свой вклад в воспитание молодого поколения, укрепление дружбы между народами, стабильности и безопасности в Узбекистане и регионе в целом. Другой характерной осо-

⁹ ТА Министерства по делам культуры Республики Узбекистан. Сведения об участии представителей Узбекистана в культурных мероприятиях, состоявшихся в зарубежных государствах в 1996–2000 гг.

¹⁰ ТА Гастрольно-концертного объединения "Ўзбекнаво" Министерства по делам культуры Республики Узбекистан, оп. 1, ед.хр. 7. С. 31–33.

¹¹ Каримов И.А. По пути безопасности и стабильного развития. Ташкент: Узбекистон, 1998. Т.6. С. 119.

бенностью взаимоотношений этих конфессий стало сотрудничество между ними в укреплении межнационального согласия и межконфессиональной терпимости, нравственном воспитании людей.

Благоприятные условия для развития культур этнических групп, как отмечал в своём выступлении профессор А. Асанканов, созданы и в Кыргызстане. В начале 90-х годов там было открыто Кыргызское отделение международного фонда славянской письменности и славянских культур. Действуют ассоциация корейцев "Чинсон", ассоциация таджиков им. Рудаки, ассоциация турков "Азтурк", совет украинцев "Берешня", ассоциация немцев "Фольксрат", общество еврейской культуры "Менора", общество греков "Филия". Интересы более полумиллионного населения узбеков, проживающих в Кыргызстане, выражает узбекский национальный центр "Орзу". Все они объединяются вокруг Ассамблеи народа Кыргызстана и способствуют консолидации общества, укреплению межнационального согласия и мира в Кыргызстане, а также выражают и защищают интересы проживающих там этнических групп¹².

В ходе конференции участники высказали многочисленные рекомендации, направленные на усиление диалога цивилизаций. Например, первый заместитель Министра иностранных дел Российской Федерации Э. Митрофанова отметила целесообразность более широкого вовлечения в процесс диалога между цивилизациями, воспитания культуры мира и ненасилия религиозных деятелей; формирования совместными усилиями единого культурного, научного и образовательного пространства в рамках евразийской цивилизации; наполнения межкультурного диалога конкретным содержанием, прежде всего, в виде реализации многосторонних проектов; использования в интересах диалога цивилизаций современных информационно-коммуникационных технологий, телевидения, сети Интернет, кинематографа; усиления внимания к вопросам преподавания истории в странах региона в духе уважения к достижениям культуры друг друга; расширения преподавания в вузах истории цивилизаций и др.¹³.

Подытоживая, необходимо отметить, что выводы конференции по рассмотренной проблеме были однозначны: столкновение цивилизаций не является неизбежностью, диалог культур, цивилизаций возмо-

¹² Копия выступления профессора А. Асанканова на Иссыккульской международной конференции 2004 года.

¹³ Копия выступления Э.В. Митрофановой - первого заместителя Министра иностранных дел Российской Федерации на Иссыккульской международной конференции 2004 года.

жен и это магистральный путь развития человечества в XXI веке, способствующий развитию многообразия, укреплению мира и стабильности на земле.

Н. Зиёмов

**ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ИССИҚКЎЛ
КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА**

Мақола ҳозирги замондаги цивилизациялараро муносабатларга бағишланган. Унда Иссиққўл халқаро конференцияси мисолида (2004 й), бу жараённинг хусусиятлари очиб берилган, цивилизациялар ўртасида тўқнашув мумкинлиги масаласи кўриб чиқилган, Евроосиёдаги ҳар хил маданиятлар, динлар мулоқоти тўғрисида мисоллар келтирилган.

N. Ziyamov

**RELATIONS BETWEEN CIVILIZATIONS IS THE FOCUS
OF THE ISSIKUL INTERNATIONAL CONFERENCE**

The article of Mr. N. Ziyamov is devoted to the relations between civilizations in the modern world. It examined features of this process through a consideration of the potential for the 'clash of civilizations'. The article also describes dialogues between various cultures, and religions within the Eurasian space.

*Этнология масалалари**С. Давлатова***ЎЗБЕК ХАЛҚИ АНЪАНАВИЙ КИЙИМЛАРИНИ ЎРГАНИШ
МУАММОЛАРИ БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

Ҳар бир халқ кўп асрлар давомида ўз тараққиётига хос маданиятини яратади. Анъанавий кийимлар моддий маданиятнинг энг тавсифли бўлган умуммиллий хусусиятларини акс эттирувчи соҳадир.

Маълумки, кийим-кечаклар халқнинг моддий фаровонлиги кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, у кишиларнинг эстетик идеалларини маълум бир бадий образларда гавдалантиради¹. Бу идеаллар жамият ҳаёти билан бирга ўзгариб ва тараққий этибгина қолмай, балки иқтисодий тараққиёт, сиёсий, диний, ахлоқий қарашлари билан узвий боғлиқ бўлган². Мавжуд маълумотларни ўзаро таққослаш ва таҳлил қилиш бир томондан ўтмишдаги, ҳаттоки, энг қадимги давр кийимларига ўхшаш кийимларни, бошқа томондан яқин ўтмишдаги анъанавий кийимларни аниқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Кийимлар эволюцияси ва уларнинг маълум бир тарихий даврдаги ўзгаришларини англаш орқалигина анъанавий кийимларнинг этник тарих билан алоқасини ёритиб бериш мумкин³.

Кийимларда кўплаб миллий ўзига хосликларни ва этник белгиларни кўриш мумкин. Н. Содиқова таъкидлаганидек, кийимларда урф-одатлар, ижтимоий муносабатлар, мафкуранинг баъзи элементлари, диний эътиқод, нафосат ва эстетик нормалар ўз аксини топган. Бундан ташқари, кийимларда инсон умрининг фасллари, у яшаган жой ва замон, хўжалик иш мавсумлари, ҳаётдаги қувончли ёхуд қайғули воқеалар намоён бўлади⁴. Дарҳақиқат, ўзбек халқининг анъанавий кийимлари жуда хилма-хил, ранг-баранг ва жозибадор бўлиб, улар аёллар, эркаклар ва болаларнинг байрам, кундалик, маросим (тўй, дафн ва ҳоказо) ва иш кийимларига бўлиниб, уларнинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқади. Ҳамма даврларда ҳам либосга қараб инсоннинг қайси ижти-

¹ Шаниязов К., Исмоилов Х. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX—начала XX в. Ташкент: Фан, 1981. С.67.

² Киреева Е.В История костюма. М., 1976. С. 3.

³ Сухарева О.А. Вопросы изучения костюма народов Средней Азии // Костюм народов Средней Азии. М., 1979. С.3.

⁴ Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари Тошкент, 2003. 6-бет.

мой тоифага мансублигини билиш мумкин бўлган⁵. Бундан ташқари кийимлар иқлим, яшаш жойига ҳам боғлиқ тарзда бўлади.

Ҳозирги кунгача фанда ўзбек миллий кийимлари борасида ўнлаб тадқиқотлар ва илмий ишлар бажарилган бўлиб, мазкур тадқиқотларда этнолог, ўлкашунос, археолог, санъатшунос мутахассислар томонидан республиканинг турли минтақаларга хос кийимларнинг маҳаллий хусусиятлари, тикилиши ва кийилишидаги ўзига хосликлар ва кийимларнинг эволюцияси турли манбалар ва дала материаллари асосида таҳлил этилган. Лекин афсуски, ҳозиргача мазкур тадқиқот ва монографик асарларни умумлаштирувчи ва умуман, ўзбек миллий кийимлари тарихига бағишланган тадқиқотлар мавжуд эмас. Шу боис, биз мазкур мақолада кийимларнинг турли минтақаларга хос миллий ва этник хусусиятлари борасида батафсил тўхталмаган ҳолда, умумўзбек кийимлари тарихи ва бугунги кунгача анъанавий ўзбек кийимлари мавзуси доирасида бажарилган илмий тадқиқотлар, монографиялар, мавзуга оид илмий, илмий оммабоп мақолаларни системали тарзда таҳлил қилишга ҳамда уларда билдирилган хулосаларга ҳолис илмий баҳо беришга ҳаракат қиламиз. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, анъанавий ўзбек кийимлари тарихини ўрганишда фақатгина тарихий манбага суянмасдан ёзма, фольклор, тарихий ёдгорликлар, археологик қазилмалардан топилган буюмлар, тарихий санъат намуналаридан фойдаланиш ўринлидир. Қолаверса, кийимлар тарихини батафсил ёритишда этнографик дала маълумотлари, анъанавий кийимларнинг музей, театрларда, маҳаллий аҳолида сақланиб қолган асл нусхалари ҳам қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кийимлар учун ишлатиладиган матолар тезда парчаланиб кетиш хусусиятига эга бўлганлиги боис, қадимий кийимларни бугунги кунгача етиб келиши ва бу борада тўлиқ маълумотларга эга бўлиш маълум қийинчиликларга олиб келади. Шунинг учун ўтмиш аждодларимизнинг кийим-бошлари, уларнинг шакллари, маҳаллий хусусиятлари, матолари ва умуман олганда, кийимлар тарихини тадқиқ этишда деворий ранг-тасвирлар; ўрта аср миниатюралари, идишлар ва қоятошларга солинган расмлар; сопол террокота, ганч ҳайкалчалар ва ҳатто, чақа тангачалардаги тасвирлар ҳам муҳим ўрин тутати⁶. Айниқса, бу борада Афросиёб, Панжикент,

⁵ Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари... 6-бет.

⁶ Матбобоев Б. Қадимги Фарғона аҳолисининг кийим-бошлари тарихига доир (археологик материаллар асосида)//Ўзбекистон этнологияси янгича қарашлар ва ёндашувлар Тошкент, 2004. 130-бет.

Варахша, Болаликтепа, Холчаён ва бошқа қатор деворий ранг тасвириларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиздир⁷. Бу деворий расмларни тадқиқ қилиш ўша даврдаги маданий ҳаёт ва турли тоифа вакилларининг ўзига хос кийим-бошлари тўғрисида маълумотлар бериши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади⁸. Тадқиқотчи Г.М.Майдинова фикрича, илк ўрта асрларга оид тасвирий санъат намуналарида Суғд ва Тохаристондаги турли даврларда расм бўлган кийимларнинг барқарор турлари уларнинг жуда қадим замонлардан бери маҳаллий иқлим ва эл-элатлар турмушига мослашганидан далолат беради⁹. Қолаверса, бу каби деворий расмлар ўзбек халқи анъанавий кийимларининг тадрижий ривожланиш босқичларини тадқиқ қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги кийимлари айрим миллий ва ҳудудий белгилари билан фарқ қилишига қарамасдан, умумий асосдаги ягона этнографияда таҳлилий “тунукасимон” деб номланган тўғри бичиқда бичилган.

Бу бичиқ Ўзбекистон ҳудудида икки усулда бажарилгани ва ҳар икки усул ҳам жуда қадимдан мавжудлигини илк ўрта аср даври сарой деворларига чизилган расмларда ва XV-XIX аср миниатюраларидаги кишилар устидаги кийимларда ҳам кўриш мумкин¹⁰.

Ўзбек миллий кийимларини ўрганишда XV-XIX асрларда Ҳирот ва Бухоро мактабларига мансуб мусаввирлар яратган миниатюра санъати жуда қимматбаҳо манба ҳисобланади¹¹. Бу борада санъатшунос ва этнограф тадқиқотчилар Г.А.Пугаченкова ва М.В.Гореликлар томонидан махсус тадқиқотлар¹² бажарилган бўлиб, ушбу тадқиқотлар бугунги кунда ҳам муҳим илмий аҳамиятга эга.

⁷ Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: Альбаум Л.И. Балалык-тепе. К истории материальной культуры и искусства Тохаристана. Ташкент, 1960; Ўша муаллиф. Живопись Афрасиаба. Ташкент, 1975; Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. Скульптура, живопись. М., 1973; Шишкин В.А. Варахша М., 1963; Пугаченкова Г.А. Скульптура Халчаяна. М., 1970.

⁸ Деворий расмлардаги кийимлар борасида Н.А.Лобачеванинг махсус тадқиқоти эълон қилинган. Қаранг: Лобачева Н.П. Среднеазиатский костюм раннесредневековой эпохи (по данным стенных росписей) // Костюм народов Средней Азии. М., 1969. С.18-48.

⁹ Майдинова Г.М. Отражение в женских костюмах Тохаристана и Согда культурных взаимосвязей раннего средневековья // История материальной культуры Узбекистана. 1987. №21. С.129.

¹⁰ Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари 43-бет.

¹¹ Ўша асар, 10-бет.

¹² Пугаченкова Г.А. К истории костюма Средней Азии и Ирана XV –первой половины XVI в. по данным миниатюр // Труды САГУ. 1956. Вып. XXXI; Горелик М.В. Среднеазиатский мужской костюм на миниатюрах XV-XIX вв. // Костюм народов Средней Азии. М., 1979. С. 49-79.

Ўрта асрларга оид айрим ёзма манбаларда ҳам халқнинг ўша даврлардаги кийимлари, уларнинг тузилиши ва тикилиши тўғрисида айрим маълумотларни учратиш мумкин¹³. Шунингдек, Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олгунга қадар, бу ердаги аҳолининг қадимий кийим-кечаклари, тақинчоқлари ҳақида сайёҳлар Марко Поло, Плато Капурини, Гильом Рубрик, испаниялик элчи Руи Де Гонзалес Клавихо ва инглиз савдогари Жениксон ва мижаз олими Херман Вамбериларнинг эсдаликларида айрим маълумотлар учрайди¹⁴. Шунингдек, немис сайёҳи Э.Эверсман томонидан Ўрта Осиё халқларининг тақинчоқлар учун фойдаланиладиган қимматбаҳо тошлар ҳақида, П.Небольсин Хива, Бухоро, Қўқон аҳолисининг анъанавий кийимлари ҳамда маҳаллий матолар ҳақида муҳим маълумотлар ёзиб қолдирганлар¹⁵.

Чор Россияси босқини даврида яратилган адабиётларда анъанавий ўзбек кийимларига жуда кам эътибор қаратилган бўлса-да, мавжуд маълумотлар бевосита ўша давр кийим-кечаклари тўғрисида маълум даражада маълумотлар бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

XIX аср охири XX аср бошларига келиб ўзбек миллий кийимлари ўзига хос тарзда шаклланди. Шу билан бирга Россия мустамлакаси даврида моддий маданият тимсолларидан бири бўлган анъанавий кийимларда ҳам ўзгаришлар бўлдики, кийимлар тарихини ёритадиган илк илмий ва назарий тадқиқотларга асослар яратилди.

Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг уни ўз мақсадлари йўлида ўрганишга киришиб, ўлкага қатор илмий экспедициялар уюштирди. Натижада, тузилган қатор илмий жамиятлар томонидан Туркистон тарихи, моддий ва маънавий маданиятига бағишланган қатор илмий ишлар ва асарлар чоп этилди.

Фарғона водийси маҳаллий аҳолисининг анъанавий турмуш тарзи бўйича махсус илмий изланишлар олиб борган эр-хотин В.Наливкин ва М.Наливкиналар, шифокор тадқиқотчи А.А.Бобринскийнинг асарларида Ўрта Осиёнинг турли минтақаларида яшовчи халқларнинг анъанавий кийимлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўплаб қизиқарли, лекин узуқ-юлуқ маълумотлар учрайди¹⁶.

¹³ Мукминова Р.Г. Костюм народов Средней Азии по письменным источникам XVI в. // Костюм народов Средней Азии. М., 1979. С. 70–76.

¹⁴ Сухарева О.А. Вопросы изучения костюма народов Средней Азии. С.3–4.

¹⁵ Eversmann E. Reisivon: Orenburg nach Buchara. Berlin. 1823. P.75; Небольсин П. Очерки торговли России со странами Средней Азии. СПб., 1956. С.124.

¹⁶ Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань: Университет, 1886.С.88–107; Бобринский А. Горцы верховьев Пянджа. М.,1908.

Умуман олганда, юқорида номлари қайд этилган муаллифларнинг асарларида Ўрта Осиё халқларининг ўрта асрлар ва Россия мустамлакаси арафасидаги кийимлари, кийиниш маданияти ҳамда моддий маданиятининг бошқа томонлари ҳақида умумий этнографик маълумотлар берилганлиги боис, ўзбек халқининг анъанавий кийимлари тарихини ўрганишда маълум маънода асос бўлиб хизмат қилади деб айтиш мумкин. Қолаверса, мазкур даврда ўзбек халқининг анъанавий кийим-кечаклари борасида дастлабки илмий материаллар йиғила бошлаган бўлса—да, лекин ушбу маълумотлар кўпинча махсус мутахассислар томонидан йиғилмаганлиги боис, анъанавий кийимларнинг ўзига хос хусусиятлари ва тарихи борасида батафсил маълумотларга эга бўлмасдан фақатгина тавсифий характердаги ёки узук-юлуқ маълумотлар мажмуинигина кўришимиз мумкин.

Собиқ Иттифоқ даврида барча ижтимоий фанлар каби этнография фани ҳам коммунистик мафкурага бўйсундирилди. Ушбу йўналишда бажарилган тадқиқотлар коммунистик мафкура призмасидан ўтказилган бўлса—да советлар ҳукмронлигининг дастлабки йилларидан бошлаб, маҳаллий ва рус тадқиқотчилари томонидан ўзбек халқининг миллий кийимларини ўрганиш борасида дастлабки илмий изланишларга асос солинди. XX асрнинг 20-40-йиллари элшунос ва шарқшунос олимлар В.Г.Григорьев ва О.А.Сухаревалар томонидан илмий маълумотлар ва дала тадқиқотлари асосида ўзбекларнинг анъанавий кийимларига оид қатор янги асарлар ва мақолалар эълон қилинди¹⁷. Айниқса, бу борада ўзбек этнограф олимаси М. Бикжанованинг Тошкент шаҳри ўзбекларининг анъанавий кийимларини ўрганиш борасида қатор илмий изланишлари алоҳида эътиборга моликдир¹⁸. Муаллиф томонидан Тошкент кийимларини ўрганиш асносида яратилган ўзига хос изоҳлар ва жадваллардан иборат бўлган ажойиб альбом кийимлар тарихи бўйича қизиқувчи мутахассислар учун бугунги кунда ҳам жуда катта илмий қимматга эга асар ҳисобланади.

Ушбу муаллифларнинг кўплари асосан халқ орасида бўлиб, уларнинг ижтимоий тузуми, оилавий ва жамоа ҳаёти, урф-одатлари, хўжалик фаолияти, моддий маданияти ва бошқа этнографик хусусиятларни

¹⁷ Григорьев В.Г. Тус туппи. К истории народного узора Востока // Искусство. 1937. № 7. С. 121-124; Сухарева О.А. Об одежде узбеков // Бюллетень УзГУ. Ташкент, 1944; Ўша муаллиф. К истории костюма населения г. Самарканда // Бюллетень АН УзССР. 1945. С. 11-12.

¹⁸ Бикжанова М.А. Мурсак—старинная верхняя одежда узбеков г. Ташкента // Сборник, посвящённый памяти М.С. Андреева. Сталинабад, 1960. С. 47-53. Ўша муаллиф. Одежда узбеков Ташкента XIX—начала XX в. // Костюм народов Средней Азии. М., 1979. С. 133-151.

чуқур ўрганганлар, лекин улар ўз навбатида мустамлакачилик сиёсатини ҳам тарғиб қилганлар.

XX асрнинг 50-60-йилларига келиб, ўзбек халқининг анъанавий кийимларини ўрганиш борасида янги бир давр бошланди. Бу даврда турли тарихий-этнографик минтақаларда яшовчи ўзбекларнинг анъанавий кийимларини тадқиқ қилиш борасида янги-янги тадқиқотлар олиб борилди. Бу борада машҳур элшунос олима О.А.Сухарева дала тадқиқотлари ва турли тарихий материаллар асосида ўзбекларнинг анъанавий кийимларига оид қатор фундаментал тадқиқотларга асос солди¹⁹. Олиманинг Ўрта Осиё халқлари кийимларини ўрганиш муаммоларига оид тадқиқотида минтақадаги турли халқлар кийимларини ўрганилиш тарихи ва келгусида мавзу доирасида тадқиқ қилиниши лозим бўлган муаммолар борасида қатор эътиборга молик фикр-мулоҳазалар берилган бўлиб, минтақа халқлари кийимлари билан қизиқувчи ҳар бир тадқиқотчи учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади²⁰.

Айниқса, бу даврда анъанавий кийимларга бағишлаб эълон қилинган ишлар ичида Миклухо-Маклай номли Этнография институти томонидан нашр қилинган “Ўрта Осиё халқлари кийимлари” номли фундаментал монография алоҳида ўрин тутди²¹. Мазкур монографияда шарқшунос ва этнограф мутахассислар томонидан археологик, деворий расмлар ва ёзма материаллар асосида Ўрта Осиё халқлари кийимлари тарихи тўғрисида илмий материаллар баён қилиниши билан бирга муаллифлар томонидан Тошкент ва Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий кийимлари ва маросимий кийимлари махсус тадқиқот объекти тарзда тадқиқ қилинган²².

Анъанавий ўзбек кийимларини тадқиқ қилиш борасида тадқиқотчи Ҳ.Исмоилов ҳам ҳисса қўшган. Олим анъанавий ўзбек кийимлари, уларни тайёрлашда ишлатиладиган мато турлари, тайёрлаш усуллари ва тарқалиши, бичими, тақинчоқлари, кийим-кечак безаклари, турла-

¹⁹ Сухарева О.А. Древние черты в головных уборах народов Средней Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. М., 1954. С.299–353. Ўша муаллиф. Опыт анализа покровов традиционной “туникообразной” среднеазиатской одежды в плане их истории и эволюции // Костюм народов Средней Азии.. С. 77-102. Ўша муаллиф. История среднеазиатского костюма Самарканд (2-я половина XIX – начало XXв). М., 1982.

²⁰ Сухарева О.А. Вопросы изучения костюма Средней Азии // Костюм народов Средней Азии. М., 1979. С. 3–13.

²¹ Қаранг: Костюм народов Средней Азии. М.: Наука, 1979.

²² Қаранг: Бикжанова М. Одежда узбеков Ташкента XIX – начала XXв//Костюм народов Средней Азии.. С.133–151; Рузиева М. Посмертная и траурная одежда узбеков г. Ташкента //Юқоридаги асар. С.169–174; Задыхина У.Л. Сазанова М.В. Мужская одежда узбеков Хорезма конца XIX – начала XX в.// Юқоридаги асар. С.151–169.

ри тўғрисида ўзбек анъанавий кийимларига бағишланган рисоласида батафсил маълумотларни беришга ҳаракат қилган²³. Бундан ташқари муаллифнинг таниқли этнолог К.Шониёзов билан ҳаммуаллифликда нашр қилган “Ўзбеклар моддий маданиятидан этнографик лавҳалар” номли монографиясида ҳам анъанавий ўзбек кийимлари хусусида махсус бобда тўхталиб, анъанавий эркаклар ва аёллар кийимлари, улардаги ўзаро фарқлар, тайёрлаш ва кийилиши борасида дала тадқиқотлари асосида янги илмий маълумотлар беришга ҳаракат қилган²⁴.

Бош кийимлари ҳам анъанавий кийимларнинг асосий қисмларидан бирини ташкил қилади. Қадим даврлардан бош кийимига қараб ўзбекларнинг этник ва локал гуруҳларини ҳам фарқлаш мумкин бўлган. Айнан мазкур даврда ўзбек аёлларининг анъанавий бош кийимлари борасида санъатшунос ва этнограф олимлар томонидан салмоқли ишлар бажарилган бўлиб, бу борада Г.А.Пугаченкова, В.С.Симонова, К.П.Лобачева каби тадқиқотчилар томонидан илмий ишлар эълон қилинганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир²⁵.

XX асрнинг 70–80–йилларига келиб, Ўзбекистон давлат музейи ходимлари Т.Абдуллаев ва С.А.Ҳасановалар музей материаллари асосида “Ўзбеклар кийими” номли асарни эълон қилган бўлиб, мазкур тадқиқотда XIX–XX аср бошларидаги Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент ва Хоразм минтақаларига хос эркаклар, аёллар ва болалар ҳамда турли табақа вакилларининг танлаб олинган кийимлари намуналари кўрсатилган²⁶. Бу асар Ўзбекистон тарихи Давлат музейида сақланаётган кийимларни ўрганиш асосидаги дастлабки асар ҳисобланиб, бир қатор муҳим камчиликлардан ҳоли эмас. Унда кийимларнинг маҳаллий хусусиятларга хос томонлари акс эттирилмаган. Шу боис, Ўзбекистоннинг барча минтақаларига хос бўлган хилма-хиллик, анъанавий билиш усуллари батафсил ёритилмаган. Лекин шунга қарамай, бу асар ўзбек кийимлари мавзuida кенгроқ тадқиқот олиб боришга, ўрганилмаган қирраларини очишга ёрдам беради. Айниқса, бу борада 90–йилларга келиб Москвадаги Этнография институти илмий жамоаси томо-

²³ Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари. Тошкент, 1979.

²⁴ Шаниязов К. Узбеки карлуки. Ташкент, 1964. С.104–124; Ўша муаллиф. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974. С. 248–271; Шаниязов К., Исмаилов Х. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX – начала XX в. Ташкент, 1981. С. 67–101.

²⁵ Пугаченкова Г.А. К истории “Паранджи” // Советская этнография. 1952. №3; Симонова В.С. Головной убор узбечек (кунгираток “сала” или “бош”) // Материалы 11–го совещания археологов и этнографов Средней Азии. М.; Л., 1959. С. 249–256; Лобачева Н.П. Почему мусульманки носили паранджу // Наука и религия. 1970. №12.

²⁶ Абдуллаев Т.С., Хасанова С.А. Одежда узбеков (XIX–XX вв.) Ташкент, 1978.

нидан нашр этилган “Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг анъанавий кийимлари” номли монографияни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Мазкур монография муаллифлар гуруҳи томонидан бажарилган бўлиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг анъанавий кийимларига оид сўнгги тадқиқотлар натижалари баён этилган. Биз учун мазкур монографияда Хоразм аёллари кийимлари ва Фарғона–Тошкент эркаларининг анъанавий кийимларининг солиштирма таҳлилига оид тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади²⁷. Мазкур тадқиқотнинг биринчисида Хоразм аёлларининг анъанавий кийимлари этнографик материаллар асосида ёритиб берилган бўлса, иккинчи тадқиқотда Тошкент ва Фарғона водийси эркалари кийимларининг ўзига хос ва ўхшаш томонлари илмий адабиётлар ва этнографик материаллар асосида ўзаро таққосланиб таҳлил қилинган.

Собиқ Иттифоқ даврида кийимлар бўйича бажарилган тадқиқотлар ичида Ўзбекистонда ип-газлама, ипакли ва ярим ипакли материалларнинг тўқилиши, уларнинг технологияси ва ишлаб чиқариш жараёнлари, ишлаб чиқарувчилар ҳақида Д.А. Фахретдинова, С.М.Маҳкамова, Т.Н.Томиналар ўз ишларида қимматли маълумотларни келтириб ўтганлар²⁸.

Анъанавий кийимларга хос тақинчоқ ва безаклар яқин даврларгача одат бўлиб келган. Бундай зеб-зийнат буюмларидан аёлларнинг бош ва устки кийимлари безатилган. Кийим-кечаклардаги янгилиниши ва унинг трансформацияси туфайли тақинчоқларнинг айрим хилларини истеъмолдан чиқиб кетишига сабаб бўлган. Тақинчоқлар асосан, кўкракка, бўйинга, бошга, қулоққа, сочга, белга, оёққа, қўлга пешонага тақилади. Тақинчоқлар тилла, кумуш, мис, бронза, тош, феруза, шиша турли тангалар, кўзли ва рангли мунчоқ, қимматбаҳо дур, гавҳар, ёқутлар, қўшиб ясалган. Бу даврда тақинчоқлар анъанавий кийимларнинг ажралмас қисми сифатида уларнинг турлари, тарихи ва улар билан боғлиқ тасаввурлар кўпгина олимлар томонидан маълум даражада ўрганилган²⁹.

²⁷ Сазонова М.В. Женский костюм узбеков Хорезма // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. М., 1989. С.90–106; Рассудова Р.Я. Сравнительная характеристика мужской одежды населения Ферганско – Ташкентского региона (XIX–XX вв.) // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. М., 1979.

²⁸ Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. Ташкент, 1972; Маҳкамова С.М. Узбекские абровые ткани. Ташкент, 1963; Ўша муаллиф. Беҳасам. Тошкент, 1971.

²⁹ Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. Ташкент, 1988; Пугаченкова Г.А. Ювелирные изделия Дальверзинского клада. М., 1973; Чвырь Л.Л. Опыт классификации ювелирных украшений (Проблема типологии таджикских серег) // Костюм народов Средней Азии. М., 1979. С.103–113. Сазонова М.В. Украшение узбеков Хорезма.

Умуман олганда, мазкур даврда ўрганилаётган муаммога оид бажарилган тадқиқотлар маълум илмий концепцияли материаллар асосида ёзилган бўлса—да, аксарият тадқиқотларда Ўзбекистоннинг барча минтақаларида яшовчи ўзбеклар кийимлари қамраб олинмаган, турли минтақаларга хос маҳаллий турлари акс этмаган, айрим ҳолларда фақатгина музейлардаги материаллар билан чегараланиб қолинганини кузатиш мумкин.

Мустақиллик йилларида ҳам бир қатор тадқиқотларда миллий қадриятларимиз, анъанавий моддий ва маънавий маданиятимиз, халқона қадриятларимиз, урф-одатларимиз ҳаққоний илмий тадқиқ этилди. Жумладан, анъанавий кийимларимиз таркибига кирувчи ўзбек миллий дўппиларига бағишланган тадқиқотларда минтақа аҳолисининг анъанавий бош кийимлари, уларнинг турли минтақаларга хос кўринишлари ва тарихий асослари борасида янги маълумотлар таҳлил этилган³⁰.

Таниқли этнограф олим И.М.Жабборов ўзининг “Ўзбек халқи этнографияси” номли ўқув қўлланмасида ўзбекларнинг анъанавий кийим-кечак, сарпо безаклари ва пардоз буюмлари хусусида маълумотлар беради³¹.

Сўнги йилларда ЎзР ФА Тарих институтининг “Этнология” бўлимида ўзбек халқи этнографиясининг долзарб мавзуларининг янги талқинига бағишланган қатор тадқиқотлар яратилди. Жумладан, тадқиқотчи Г.Йўлдошева Нурота воҳаси аёлларининг анъанавий кийимлари мавзусида ёқлаган диссертациясида воҳа аёлларининг анъанавий, кундалик, байрам кийимлари ва қизлар ҳамда келинларнинг кийимлари ҳақида бой этнографик маълумотларни келтирган. Шуни таъкидлаш лозимки, муаллиф мавзунини фақат воҳага хос жиҳатинигина назарий ва илмий жиҳатдан тўла асослаб бера олган³².

Тадқиқотчи Г.Зуннуова Тошкент шаҳри ўзбек аёллари кийимларини ривожланиш босқичлари ва трансформациясини ўрганган бўлса,

ма // Традиционная культура народов Передней и Средней Азии. Л., 1970. С. 119–142; Борозна Н.Г. Некоторые материалы об амулетах—украшениях населения Средней Азии // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. М., 1975. С. 281–298; Азизова Н.Х. Ювелирные изделия Узбекистана. Ташкент, 1968.

³⁰ Турсуналиев К. Все цвета радуги. 1991; Тўйчиев У. Бошга кийиб юриладиган кийим // Саодат, 1992, №11, 25-бет.

³¹ Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси, Тошкент, 1994. 149–158-бетлар.

³² Юлдашева Г. Традиционная одежда женщин Нурота (конец XIX—начало XX в.): АКД. Ташкент, 1995; Ўша муаллиф. Традиционная одежда женщин Нурота // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1995. №3.

К.Жумаев Бухоро кийимларини ўзига хос томонларини этнографик материаллар асосида таҳлил қилган³³. Бундан ташқари, ёш санъатшунос, файласуф, этнограф тадқиқотчи олимларимиз ҳам ўз ишлари билан бу долзарб муаммони назарий ва илмий жиҳатдан асослаб, тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Жумладан, У.Абдуллаев, И.Аҳроров, М.Ҳамидова, М.Ибрагимова каби тадқиқотчиларнинг ўзбек миллий кийимларининг у ёки бу томонларига бағишланган қатор ишлари эълон қилинди³⁴.

Тарихчи Н.Содиқова ҳам анъанавий ўзбек кийимларини тарихи, этнографик жиҳатдан қиёсий таҳлилини ўз монографиясида ёритган³⁵.

Кийимлар тарихига оид адабиётларни пайдо бўлишига қарийб тўрт аср бўлишига қарамасдан, уларнинг тарихига оид адабиётларни маълумотлар ҳисобига кўра асосан 3 гуруҳга бўлиш мумкин: 1) кўп мамлакатлар кийимлари тарихи; 2) қайсидир бир давлатнинг кийимлари тарихи; 3) алоҳида бир давр кийимлари тарихи³⁶.

Анъанавий халқ кийимлари дунёнинг кўплаб халқлари мисолида ҳам маълум даражада тадқиқ қилинган³⁷.

Умуман олганда, кийимлар тарихига назар солиш, ўз навбатида амалий санъат тарихига ҳамда у билан узвий боғланган инсон гавдаланади. Шунинг учун ҳам кийимлар санъат асари сифатида жамият ҳаёти, маданияти ва техник ютуқларидан бугунги кун авлодларига “идеал” бўлиб қолади.

³³ Зуннунова Г. К истории узбекской национальной одежды (развитие и трансформация женской одежды г. Ташкента в XX веке) // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Тошкент, 1999. 95-105-бетлар; Ўша муаллиф. Из истории узбекских традиций (знаковая роль предметов материальной культуры) // Ўзбекистон тарихи. 2000. №3. 72-79-бетлар; Жумаев К. Традиционная бухарская одежда конца XIX–начала XX века // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2002. №5. 36–38-бетлар.

³⁴ Абдуллаев У. Отражение межэтнических связей в материальной культуре народов Ферганской долины в конце XIX–начале XX в. // Ўзбекистон тарихи, 1999. №4. 62-69-бетлар; Аҳроров И. Тақинчоқлар таърифи // Саодат. 1997. №3. 27-бет; Ҳамидова М. Ўзбегимнинг кашгасию дўпписи//Фан ва турмуш. 2000. №5. 24-25-бетлар; Ибрагимова М. Своёобразие традиционной женской одежды Сурхандарьи // Материалы Международной научной конференции. Байсун. 14-19 мая 2003 г. Ташкент, 2003. С. 65-68.

³⁵ Содиқова Н. XIX–XX асрлардаги ўзбекларнинг миллий кийимлари. Тошкент, 2001.

³⁶ Мирцалова М.Н. История костюма. М., 1972. С. 3.

³⁷ Leloir M. Dictionnaire du costume et de ses accessoires P. 1961; Szyller E. Historyczny rozwój form odzieży. W., 1972; Маслова Г.С. Народная одежда в восточнославянских традиционных обычаях и обрядах. XIX–начало XX в. М.: Наука, 1984; Стриженова Т.К. Из истории советского костюма. М.: Советский художник, 1972; Уткин П. Современные ювелирные украшения и костюм. М., 1963.

Бу борада бирмунча салмоқли тадқиқотлар бажарилган бўлса—да, лекин бугунги кунда Ўзбекистоннинг Фарғона водийси Зарафшон, Қашқадарё воҳалари анъанавий кийим-кечаклари алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган ва бу борада махсус фундамен-тал тадқиқотлар мавжуд эмас.

Умуман олганда, этнографик тадқиқотлар шундан далолат беради-ки, халқ кийим-кечакларини, ҳатто у анъанавий кўринишга эга бўлса—да ўзгармас тарзда таҳлил қилиб бўлмайди, бунда маълум бир эволюцияни, кўпинча шаклининг ўзгаришини кузатиш мумкин. Ҳатто, кийимларнинг бичими ҳам минтақалар бўйича турлича шаклланган. Бичими бир хилда бўлса—да, матоси ва ранги билан фарқланиб турган. Шунинг учун олиб борилаётган тадқиқотда кийимларни тикишда ишлатилган матолар хусусида батафсил ёритишга эътибор қаратилди.

Шунингдек, ҳар бир халқнинг анъанавий кийимлари шубҳасиз турли тараққиёт босқичларидаги ҳолатини ҳам аниқлаб беради. Бундан ташқари халқ кийимларидаги ўзига хос маданиятнинг асосий жиҳатларини сақланиб қолиши тарихий босқичларда бошқа халқлар, турли этник гуруҳларининг узоқ давом этган ўзаро иқтисодий, этномаданий алоқалари таъсири ҳамдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқ анъанавий кийим-кечакларини ўрганиш туфайли ўтмишда ва ҳозирги кунга қадар унинг ҳолати, шаклланиш даражаси, ўзига хос этник хусусиятлари, халқларнинг тараққиётига хос моддий маданияти намоён бўлади. Айниқса, анъанавий ва замонавий кийим-кечаклардаги боғлиқлик уларнинг турли диний эътиқод ва урф-одатлар билан узвийлиги аҳамиятга моликдир. Шу билан бирга этнология фанида халқларнинг моддий масалаларига оид бой ва қимматли маълумотлар билан янада бойитишда манба бўлиш-лигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Ўзбек кийимлари таркибидаги қадимий ва анъанавий белгиларни тўлиқ сақланиб қолиши уни авлоддан-авлодга мерос тариқасида етказиб беришда анъанавий кийимлар ҳақида маълумотлар тўплаш, таҳлил қилиш аҳоли кийимларининг ўзгариш жараёнларини ва унга бошқа халқ кийимларининг таъсир жараёнини тадқиқ этиш лозим.

Юқорида келтирилган манбалар таҳлилидан шундай хулосага келиш мумкинки, ўзбек халқи тарихи билан узвий боғлиқ бўлган моддий-маданий ёдгорликлар ичида ўзига хослиги билан ажралиб турадиган кийим-кечаклар тарихи этник белгилари, у билан боғлиқ бўлган анъаналар ва ижтимоий муносабатларни ўрганиш, илмий асосларда ёритиш долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу таҳлил орқали қадимдан то

ҳозирга қадар бўлган миллий кийимларимиз, уларнинг бетакрорлиги, шаҳар ва қишлоқлардаги фарқлари, давомлилиги, шаклланиши, ўзгариши, уларга ишлатиладиган матолар ва анъанавий қийқим бичиқларини ўзига хос томонларини ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Хуллас, ҳозирги кунга келиб ўзбек миллий кийимлари тубдан ўзгарди, бичимлари янгиланиб, бош кийимлар, тақинчоқлар мода талабларига хос кийимлар ва кийим безакларидан фойдаланиш ҳам янгиланар экан, анъанавий кийимлар трансформациясини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш болгунги этнологик тадқиқотлардаги долзарб масаладир.

С. Давлатова

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ ТРАДИЦИОННОЙ ОДЕЖДЫ УЗБЕКСКОГО НАРОДА

Этническая особенность каждого народа проявляется в его национальной одежде. В статье прослеживается эволюция узбекской национальной одежды и ее неразрывная связь с этнической историей народа. В этнографическом аспекте эта проблема мало изучена. Поэтому в рамках настоящего исследования сделана попытка раскрыть трансформационные процессы в истории национальной одежды.

С. Davlatova

SOME VIEWPOINTS ABOUT PROBLEMS OF STUDY OF THE TRADITIONAL CLOTHES OF UZBEK PEOPLE

The ethnic particularity of every people showing in its national clothes. Consequently we can see the evolution of national clothes in inseparable connection with the ethnic history of Uzbeks. This problem is not insufficiently investigated in the ethnographical aspect, that's why in the structure of this investigation by author have been made attempt to study transformation processes in the history of national clothes.

М. Пайзиева

ЎЗБЕКЛАРНИНГ МОТАМ МАРОСИМИ ХУСУСИЯТЛАРИ (Тошкент маҳаллалари мисолида)

Дафн ва таъзия маросимлари бошқа халқлар каби ўзбекларнинг ҳам ҳаётий давр маросимларининг бир босқичидир. Бу маросимлар ўзида қадимги диний эътиқодлар илдизларини ҳамда ислом ақидаларини мужассамлаштирган. Яқин кишисидан ажралган хонадон вакиллари марҳумнинг руҳи ҳурмати учун бир йилгача аза тутиб юрадлар. Ислом динига эътиқод қиладиган барча халқларда, шунингдек, ўзбекларда ҳам аза тутиш маълум бир умумий расм-русумларга асосланади.

Аза киши вафот этган кундан тутилади. Аза тутишнинг ҳеч қаерда ёзилмаган қонун-қоидалари мавжудки, халқ уни бажариш қатъий ва мажбурий бўлган удум деб ҳисоблайди.

Халқ тасавурида дафн ва хотира маросимлари тўлиқ ўтказилмаган марҳумлар у дунёда муҳтожликка маҳкум бўладилар деган тушунча мавжуд. Этнограф Арнольд ван Геннеп таъкидлаганидек: “Аза даври мобайнида тириклар ва марҳумлар, бир томондан тириклар дунёси ва иккинчи томондан марҳумлар дунёси орасида махсус ҳамжиҳатлик ташкил этишади”¹.

Ҳозирги кунгача Ўрта Осиё² халқларининг мотам маросимлари этнографик йўналишда маълум даражада тадқиқ этилган. Шу боис, ушбу мақолада мотам маросимлари ўзига батафсил тўхталмасдан Тошкент шаҳри ва республика бошқа ҳудудлари ўзбекларининг ушбу маросимлардаги аза либослари, мотам таомлари, азадорларнинг ахлоқ-одоби ҳақидаги манба ва адабиётларни таҳлил қилиш билан бирга дала этнографик материалларини ўзаро таққослаган ҳолда фикр юритилади.

Дафн маросимлари ҳамма оилавий маросимлар каби халқнинг урф-одат ва анъаналари психологиясининг муҳим томонларидан бўлиб, кенг маънода олганда ахлоқ категориясига киради. Азадорлик нафақат кийимларда, балки марҳум яқинларининг турмуш тарзида ҳам намоён бўла-

¹ Арнольд ван Геннеп. Обряды-переходы. М.: РАН, 2002. С. 135.

² Қаранг: Кармышева Б.Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. М., 1986. С.139-141; Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. Мерос, 1996; Рузиева М. Посмертная и траурная одежда узбеков г.Ташкента. Костюм народов Средней Азии. М., 1979.

ди. Марҳум хонадониди ва яқин кишилариникида ўйин-кулгу, тўй-гомоша ўтказилмайди ва уларда азадорларнинг қатнашиши марҳумнинг хотирасига ҳурматсизлик ҳисобланади. Бу одатнинг бажарилиш муддати ҳам марҳумга қариндошлик даражасидан келиб чиқиб турли вақтга чўзилган. Баъзи ҳолларда марҳум жуда ёш бўлса ёки яқин қариндоши бўлса белгиланган тўйлар ҳам маълум муддатга кечиктирилган³. Агар марҳум ёши улуг ўтган бўлса, тўй ҳам унга қадар белгиланган бўлса, бундай ҳолатда тўй қолдирилмаган, марҳумнинг 40 идан сўнг ўтказиб юборилган⁴. Шундан келиб чиқадики, халқнинг маросимий ҳаёти муайян қоидаларига бўйсунди, бу қоидаларни ҳамжамият аъзолари сўзсиз бажарилишлари лозим, яъни инсонни хулқ-атвори ва маънавий дунёси мазкур вазиятда маҳаллада мавжуд бўлган ахлоқ-одобнинг ижтимоий-тарихий қонунлари билан белгиланади. Азадорликнинг асосий белгиларидан бири бу аза либосларидир.

П.Г.Богатирев айтганидек, либос фақат утилитар вазифаларини қониқтирмасдан, балки унда халқнинг дунёқараши ҳам акс этади. Бу ҳолатни маросим либосларини таҳлил қилиш мисолида мазкур ҳолатда аза либосларида яққол кузатиш мумкин⁵. Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу ҳолатда асосий ролни либос ранги эгаллайди. Шу билан бирга аза либосларини кийиш ва ечиш билан боғлиқ урф-одат ва қоидалар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Азадорларни бошқалардан ажратиш турувчи кийими, мотамсаро рангдаги аза либосидир. Марҳумнинг яқин қариндошлари эркаклар дўппи, тўн кийиб, белларини қийиқча билан боғлаб юрадилар. Тўн - умумтуркий атама бўлиб, унинг тарихи қадимий даврларга бориб тақалади. Ёзма манбаларда тўн XI аср манбаларида учрайди. Тўн сўзи халат ёки кийим маъносида ишлатилган. XII-XIII асрларда тўн сўзи пўстин ва пахтали чопон маъносини англатган⁶. XVI аср ва ундан кейин эса тўн пахтали чопон маъносида ишлатилган. XX аср бошларида ҳам чопон анъанавий эркакларнинг кийими бўлган. Эркакларнинг махсус мотам либослари бўлмаган, биргина фарқловчи белги бу белбоғдир. Белбоғ оддий ҳолда чопон тагидан боғланган, фақат мотам маросимидагина чопон устидан боғланган. Бугунги кунга келиб чопон, кўпроқ маросим либоси сифатида ҳам ишлатилади. Марҳум эркак киши бўлса албатта, унинг устига чопон ёпиб қўйилади. Аёллар тақинчоқ-

³ Дала ёзуви. Баҳор маҳалласи, 2002 йил.

⁴ Дала ёзуви. Янги шаҳар маҳалласи, 2001 йил.

⁵ Богатирев В.П. Вопросы теории народного искусства. М.: Искусство, 1971. С.355.

⁶ Навоий асарлари луғати. 616-бет.

ларини ечиб, одми ранг кийимларни кийиб оладилар, бошларига ҳам кўк, қора ранг рўмол ўрайдилар, оёқларига албатта махси-калиш киядилар, бу ҳам Тошкент шаҳри ўзбекларининг азадорлик белгисидан биридир. Дастурхончи ёки оиладан бирорта катта ёшли аёл эркакларнинг белига қийиқча, аёлларнинг белига эса одми ранг рўмолдан белбоғ тақиб қўяди. Бундай кийинган эркакларга нисбатан “хассакаш” ибораси ишлатилган. Аёллардан фарқ қилган ҳолда, эркаклар фақат марҳумни “ерга қўйиб” келгандан сўнг 3-7 кунгача, сўнгра дафн маросими билан боғлиқ бўлган маъракаларда, Рамазон ва Қурбон ҳайитларда тўн кийиб, белларини қийиқча билан боғлайдилар ва бошларига дўппи киядилар. Аёлларнинг азада белига рўмол боғлаш одати фақат Тошкентда бўлмаган. О.А.Сухарева⁷ нинг ёзишича, XX аср бошида самарқандлик аёллар, бошга ўраладиган тўрт бурчакли рўмолларини Тошкент аёлларидан фарқли ўлароқ, аза белгиси сифатида белларига боғламаганлар, улар никоҳ тўйида куёв белига боғлаган белбоғни аза маросимларида белларига боғлашган. Илгари ўзига тўқ аёлларда узунлиги 2 м, эни 0,4 метрли оч кўк ёки яшил қалин матодан хамазин белбоғлар бўлган. Тошкент атрофида Янгийўлда аёллар аза либоси учун мўлжалланган тўқ рангли мато билан белларини боғлашган⁸. Аёллар кўпинча белбоғ сифатида қишки, қалин жунли рўмолларини ишлатишган. Бу нафақат аза белгиси бўлибгина қолмай, балки оғир мусибатни бошидан кечираётган аёлларнинг белларини мустаҳкам ушлаб турган, чунки уч кун мобайнида улар таъзия билдиришга келган қариндошларини, биродарларини, маҳалладошларини йиғи билан кутиб олиш учун тинмай ўтирган жойларида туриб чарчашади⁹ шу билан бирга белбоғ аёл кишини қийин вақтда қўллаб-қувватлаш рамзидир¹⁰. XX асрнинг 50-60-йилларигача ҳам азадорлик белгиси сифатида марҳумнинг онаси, қизи, хотини сочларини тўлиқ ёки қисман ёйишган. Фақат оила аъзолари эмас, балки қариндошлар ҳам бел боғлашган. Беллари боғланган азадорлар фақат марҳум уйидагина шу ҳолатда юрган, қўни-қўшни ёки бошқа хонадонга белдаги белбоғларини ечиб кейин чиқишган, қайтиб келгач, яна боғлаб олганлар. Азанинг учинчи куни “бел ечиш” маросими ўтказилиб, дастурхончи ҳаммадан “кўрган боққанинг

⁷ Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма. М.: Наука, 1982. С.65.

⁸ Рузиева М. Посмертная и траурная одежда узбеков г.Ташкента // Костюм Средней Азии. М., 1979. С.172.

⁹ Дала ёзуви. Баҳор маҳалласи, 2002 йил.

¹⁰ Зуннунова Г.Ш. Маҳаллада яшовчи ўзбекларнинг анъанавий ва замонавий кийимлари / Тошкент маҳаллалари: анъанавийлик ва замонавийлик. Тошкент, 2002. 100-бет.

шу бўлсин”, - деб белбоғларни ечиб олган. Дастурхончига ҳамма ўзи атаган миқдорда пул берган. Айнан шу куни марҳумнинг опа-сингиллари, қизлари, онаси, аёли аза либосини кийишган. Уларга нисбатан халқ орасида “азадор”, “кўки бор”, “кўк кийган” иборасини ишлатилади.

XX асрнинг 70-80-йилларда Тошкентда азали хонадон эгалари яқин қариндошларнинг ҳаммасига бир хил қилиб кўк рангли ёки қора матодан кўйлак тиктирадиган бўлдилар¹¹. Марҳум оиласидан «кўк либос» олган аёл албатта аза муддати тугагач, «оқ солар» маросимиغا бир кийимлик бошқа кўк бўлмаган мато олиб келиши лозим бўлган. Кўпинча “ўлимлик тугуни” тайёрлаб қўйган онахонлар қизлари, келинлари, опа-сингилларига атаб кўк, яшил, қора ёки мош рангдаги матодан ғамлаб ҳам қўядилар¹². Марҳумнинг “кир ювди” маросимигача бу матолардан анъанавий бичимли кўйлак, лозимлар тикилган. Ирим қилиниб, ана шундай мотам либосининг этак ва енг учлари тикилмаган¹³. Ҳозирги вақтда аксарият ҳолларда мотам либослари тикилмайди. Турли оилаларда мотам либосларини кийиш жараёни турлича кечади. Айрим оилаларда марҳумнинг яқин қариндош аёллари баъзан қора безаклари бўлган, анъанавий бичимли бир хил тайёр кўк ёки қора кўйлаklar сотиб олишади. Бошқа оилаларда аёллар шунчаки қорамтир либос кийишади. Бу замонавий бичимдаги кўйлак бўлиши ҳам мумкин. Аза либоси фақатгина бир дона тиктирилган. Йил ўтгунча азадор аёл шу битта кўйлакни кийган ва йил ўтгач уни кийиш мумкин бўлмаган, у дастурхончи ёки бева-бечораларга бериб юборилган. Аза либосини сонини кўпайтирса, боши азадан чиқмай қолади деб ирим қилинган¹⁴. Бугунги кунга келиб эса фақатгина ўзига тўқ оилалардагина махсус мотам либослари азадор хонадон соҳиблари томонидан берилмоқда. Бу удум сақланган, бошқа ҳолларда эса ҳамма оила аъзолари ўзи учун ўзи харид қилмоқда. Диний маросимларда эса махсус мотам либоси тиктириш керак эмас, ўз бисотидаги одмироқ рангли кўйлак кийса ҳам бўлади деб даъват қилинмоқда¹⁵. Бусиз ҳам мусибат етган хонадоннинг ғам-ташвиши ўзига етарлидир. Шу ўринда кўрсатиш лозимки, ўзбекларнинг аза кийимларининг рангида муайян бир фарқлар кўзга ташланади. Масалан, Фарғона вилоятидаги Аввал қишлоғида яшаган

¹¹ Дала ёзуви. Ш.Бурҳонов маҳалласи, 2003 йил.

¹² Дала ёзуви. Абдулла Қодирий маҳалласи, 2000 йил.

¹³ Зуннунова Г.Ш. Ўша ерда. 100-бет.

¹⁴ Дала ёзуви. Абдулла Қодирий маҳалласи, 2000 йил.

¹⁵ Дала ёзуви. Баҳор маҳалласи, 2002 йил.

аёллар отаси вафот этса қора матодан, онаси вафот этса кўк матодан аза кийимларини кийганлар, Наукат қишлоғида марҳум вафот этган куни қариндош аёлларга катта қизил рўмол берилиб, уни аёллар бошига ташлаб қўйилган¹⁶. Қизил ранг бошқа халқларда - қозоқларда¹⁷, корейсларда¹⁸ ҳам мотам белгиси ҳисобланган. Қозоқларда ёш бева-лар қизил рўмол ўрашган ва унинг уйи томига ҳам қизил ранг рўмол илиб қўйилган. Наманган тожикларида эри вафот этган аёл эрининг азаси учун қора кийим кийиб, марҳумнинг бошқа қариндошлари кўк кийим кийишган¹⁹. Тошкентда эса асосан, қора ранг азадорлик белгиси сифатида қабул қилинган²⁰. Мотам аза ранглари-нинг ҳар хиллиги, авваламбор диний эътиқодларнинг бир-биридан фарқланиши, шунингдек, турли маданиятларнинг ўзаро таъсири билан борлиқдир. Тошкент маҳаллаларидан кузатувлар шуни кўрсатдики, кўпчилик аёллар қора рангдаги либосларни дафн маросимларига ва тўй-ҳашамларга бирдек киймоқдалар. Бу ҳозирги замон урфига айланмоқдаки, буни биз маросим либосларидаги ўзгаришлар деб қарашимиз мумкин. Мотам либосининг қора ранги ғам-ташвиш, бахтсизлик рамзидир. Азадор хонадонга таъзия билдиришга ва кейинги хотирлаш маросимларига келишган аёллар ҳам албатта бошларига одми, кўк, қора, яшил ранг рўмол ва шу каби ранглардаги кўйлақлар кийишган.

Аза тутиш муддати ҳам ҳар хил, асосан тоқ 7-9-11 ой давомида тутилади ва аза муддати тугаганлигини элга билдириш учун “оқ солар” маросими ўтказилади. Аза кексаларга 7 ой, ёшроқ ўтганларга эса 9-11 ой тутилган.

“Оқ солар” маросимида дастурхончи азадор аёлларнинг бошларидаги “кўк” рўмолларни ечиб, бошқа ранг рўмол ташлаб чиқади ва оқ рўмолча билан “кўрган боққаннингиз шу бўлсин, бундан буён хонадонингизда доимо тўй бўлсин, оқлигингиз муборак бўлсин” деб елкаларига қоқиб чиқади. Баъзи ҳолларда аза муддати тугаган бўлса-да аёллар ўз хоҳишларига кўра марҳумларнинг ўлган кунларига, баъзан ундан ҳам кўп 3 йил аза либосларини ечмасдан юрганлар²¹. Шуни таъкидлаш лозимки, мотам либосларини кийиш ва ечиш одатлари реин-

¹⁶ Кармышева Б.Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы... С.148.

¹⁷ Толеубаев А.Т. Реликты домусульманских верований в семейной обрядности казахов. Алма-ата, 1991. С.105.

¹⁸ Цой В.С. Изучение семейной обрядности корейцев Казахстана // СЭ. 1983. №2. С.99.

¹⁹ Андреев М.С. Поездка летом 1928г. в Касансайский р-н. 1929. С.115.

²⁰ Рўзиева М. Ўша ерда. 170-бет.

²¹ Дала ёзуви. Навоий маҳалласи, 2000 йил.

теграция маросими ҳисобланади. Бошқа томондан Тошкент маҳаллалари аҳолиси, мотам либосларини кийиш қоидаларига, рангларнинг рамзий аҳамиятларига ва кийим элементларига жуда катта эътибор берадилар. Ўзбек халқ либосида маънавий манбани долзарбланиши тез-тез унинг қандайдир ритуал жараёнга, маросимга кириши билан боғлиқ эди. Айтиб ўтганимиздек, аза либослари рангининг хилма-хиллиги, кийиш ва ечиш маросимий одатлари билан ажралиб туради. Эркакларда аза либослари мавжуд эмас, фақат уларнинг кийимларида азадорликни билдирувчи белгилар мавжуд.

Шу билан бирга либосда барча эътибор унинг қадимий функцияларидан бирига (у бошловчи бўлаётган эди) қаратилган, у ўзининг амалий аҳамиятини йўқотаётганини, аниқроғи иккинчи даражага ўтиб кетаётганини кўриб турибмиз.

“Ўлимлик тугуни”га онахонлар албатта кийилмаган “бош-оёқ” сарполар аёл киши бўлса, кўйлак, ички кўйлак, махси-калиш, жемпер, камзул, эркак киши бўлса, тўн, махси-калиш, костюм-шим, кўйлак, ички кийимлар йиғишган. Бу кийимларнинг барчаси ювғувчига бериб юборилган. Ахборотчиларнинг таъкидлашларича, илгари ювғувчиларга ҳам марҳумнинг кийилган кийимлари берилган. Ювғувчига берилган кийимлар “у дунёда” марҳумга керак бўлади деган тушунча, ҳозир ҳам халқ орасида мавжуд, шунинг учун ҳам бугунги кунда ювғувчига бериладиган янги либослар, ичида битта марҳум кийган кийим ҳам кўшиб берилади. Илгари марҳумнинг қолган кийимлари тоза, ювилган ҳолда эшик олдига осиб қўйилган ва еттинчи кун қариндошларига тарқатилган. Бунда, асосан марҳумнинг ёши улур бўлса, унинг кийимларини биз ҳам шу ёшга етайлик деб қариндошлар яхши ниятлар билан кийиш учун олишган. Кийимлар ҳам магик хусусиятга эга, эгасининг яхши, ёмон хислатлари кийган одамга ўтади деб ишонишган. Ҳамма ҳам марҳумларнинг кийимини кия олмаган, баъзилар эгасидан ёмон хусусиятлар бошқаларга ҳам ўтиши мумкин деб киймайдилар²².

Умуман, агар марҳумнинг кийган кийимлари ҳақида ва хусусан, у билан боғлиқ урф-одатлар тўғрисида гапирсак, дала материаллари таҳлили уларни деярли ўзгармаганлигини, фақат ҳозирги пайтда уларни хонада илиб қўйилмаётганини кўрсатади.

Аза маросимларидаги турли удумлардан яна бири, бу маросимда тайёрланадиган хилма-хил таомлардир. Маросим таомларининг барчаси ўзбек миллий таомлари бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси алоҳида олин-

²² Дала ёзуви. Навоий маҳалласи, 2001 йил.

ган маросим учун тайёрланиб марҳумни хотирлаш учун келган кишиларга тортилган. Маърака дастурхони айни кунда тайёрланиши исталган ёки қатъий шарт ҳисобланган муайян таомлар тўпламидан иборат бўлиб, уларни тайёрлаш ёки истеъмол қилиш анъанавий одоб қоидаларининг муайян меъёрлари билан биргаликда кечади. Таом ҳамшиша марҳум аждодлар руҳини ёдга олишнинг муҳим белгиси бўлган. Унинг ҳиссий жиҳати жуда муҳимдир. Тасодиф эмаски, этнографлар ва руҳшунослар диний маросимларнинг вужудга келишини қўрқув, ваҳима, ишончсизликни келтириб чиқарувчи мавҳумлик ҳолатидан таъсирланиш билан боғлайдилар. Диний маросимлар бажо келтирилганда ҳиссий зўриқиш йўқолади. Маросим овқатининг ўзигина эмас, балки унинг тайёрланиш усуллари ҳам муҳим аҳамият касб этади, муҳими бундай овқатни тайёрлаш ва истеъмол қилиш муайян доирадаги кишиларни тўплаш билан боғлиқ²³. Маросим таомларини икки турга бўлиш мумкин. Биринчи тури муайян маросимга аталган ва уларнинг бевосита таркибий қисми ҳисобланган, шунинг учун бундай овқатлар (ҳолвайтар, бўғирсоқ) оддий кунларда қилинмаган. Иккинчи турига оддий кунларда ҳам тайёрланадиган шу билан бирга маросим ўтказилиши учун мақбул ва шарт ҳисобланган (палов, қатлама) таомлардир. Таом дафн-маърака маросимларининг ажралмас қисми ҳисобланган. Майит чиққан хонадонда дастлабки уч кунда ўт ёқиб, овқат пишириш мумкин эмас. Мусибат етган хонадонга овқат олиб чиқиш ислом суннатларига мувофиқ одатдир. Бу одатнинг келиб чиқишини фатво қуйидагича тушунтиради. Ҳазрат Алининг биродарлари Жаъфар ибн Аби Толиб “Муъта” жангида шаҳид бўлганида аҳлу аёллари ғоятда куйиниб аза тутишган. Шунда Расулуллоҳ атрофдагиларга қараб: “Эй қўшнилари, Жаъфар оиласига таом олиб чиқаринглар, чунки уларнинг бошларига шундай мусибат тушдики, улар таом ҳақида ўйлашларига имкониятлари йўқ” - деб марҳамат қилганлар²⁴. Мусибат етган хонадоннинг қўшилари, қариндошлари исрофгарчиликка йўл қўймаган ҳолда дарҳол овқат қилиб чиқаришади. Овқат мусибат етган хонадон аҳли ва узоқдан келган меҳмонлар учун чиқарилади. Бу одат туркман²⁵, Доғистон²⁶ халқларида ҳам мавжуд. 1940 йилларда, Иккинчи жаҳон

²³ Зуннунова Г.Ш. Тошкент ўзбекларининг озиқ-овқати // Тошкент маҳаллалари анъанавийлик ва замонавийлик. 2002. 109-бет.

²⁴ Мусибат етган хонадон аҳлига таъзия билдириш ва баъзи маросимлар одоби ҳақида фатво.

²⁵ Васильева Г.П. Туркмены-нохурли Средней Азии//Этнолог. сборник. Т. XXI. 1954. С.208.

²⁶ Гаджиева С.Ш.. Семья и брак у народов Дагестана в XIX-начале XX в. С. 308.

уруши йилларида азадор хонадонга ҳатто, лавлаги шўрва, қовоқош, гўжа, жўхори донидан паловлар ҳам олиб чиқилган²⁷. Ҳозирда кўпроқ, мастава, мошхўрда, ош, нон, баъзида сомса ҳам чиқарилмоқда. Тошкент вилоятининг Дўрмон маҳалласида қўшнилари албатта сомса, ёғда қовурилган чучвара ҳам чиқаришади. Ахборотчилар бунинг сабабини қуйидагича изоҳлашмоқда, сомса ва қовурилган чучвара “майитнинг қотишига ёрдам беради майит юмшоқ бўлса, кетидан яна ўлим бўлиши мумкин деб ирим қилинади”²⁸. Хонадон эгаси қўшнилари идишига албатта, тўртта нон солиб қайтарган. Тошкент ўзбекларида азадор хонадонга хамир овқат қилиб чиқарилмайди, айниқса угра оши чиқариш мумкин эмас²⁹, ахборотчилар хамир чўзилувчан, шу сабаб аза муддати ҳам чўзилиб кетиши мумкин деб тушунтиришди. Қашқадарё вилоятида эса бу таомлар палов, шовла, чучвара, мастава, кесилган ош (тўппа) ва бошқа турли пишириқлардан иборатдир³⁰.

Айтиб ўтганимиздек, таом нафақат витал талабларни қониқтирган, балки халқнинг дунёқарабини ҳам акс эттирган. Шундай қилиб биз кўриб турибмизки, кийим ва таом маросимлари тизимига кириб ва бу даражада халқнинг менталитетини акс эттиради.

Бошқа томондан дафн - хотирлаш циклида маросим таомларига катта аҳамият берилган. Таом қандай ҳолатда, ким томонидан, қайси пайтда ва қаерда тайёрланганлиги муҳимдир.

Маросим таомини тайёрлашнинг мазмуни умуман, барча маросимларни ўтказилишидек, марҳумлар руҳини ўлганларнинг ўзга дунёсига реинтеграция қилинишларига ёрдам беришдан иборат. Тадқиқот ўтказилган маҳаллаларнинг аҳолиси ўртасида “у дунёга” бўлган ишончи жуда кучлидир. Анъанавий жамоанинг диний онги ғайритабиий кучларга бўлган ишончдан ажралмасдир. Шундай қилиб, дала маълумотлари таҳлили шуни кўрсатдики, ўзбекларнинг мотам маросими циклининг хусусиятлари биринчидан, марҳумнинг қариндошлари, қўшнилари, дўстлари хулқ-атворида; иккинчидан, аза либосларининг турли элементлари ва рангида; учинчидан, маросим таомлари тайёрлаш қоидаси ва турларида намоён бўлади. Умуман, дафн-хотирлаш циклининг маросим ва урф-одатлари қадимги анъаналарга эга бўлиб, халқнинг менталитети билан чамбарчас боғлиқдир.

²⁷ Дала ёзуви. Навоий маҳалласи, 2001 йил.

²⁸ Дала ёзуви. Дўрмон маҳалласи, 2004 йил.

²⁹ Дала ёзуви. Баҳор маҳалласи, 2002 йил.

³⁰ Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. Тошкент, 1996. 99-бет.

Вақт ўтиши билан бу цикл маросимлари ўзгариб борди, лекин шуни таъкидлаш жоизки, дафн ва хотирлаш маросимлари ҳаётий циклининг бошқа маросимларига кўра мустақкам кўринишда сақланиб қолган.

М.Пайзиева

ОБЫЧАИ И ОБРЯДЫ, СВЯЗАННЫЕ С ТРАУРОМ.
(на материалах махалли г.Ташкента)

В статье описываются похоронно-поминальные обычаи узбеков махаллей г.Ташкента, связанные с этикетом людей, находящихся в трауре. Дана сравнительная характеристика похоронно-поминальной обрядовой пищи.

M.Payzieva

RITUALS AND RITES ASSOCIATED WITH FUNERALS AND MOURNING
(on the materials of Tashkent city makhallas)

The paper focuses on Uzbek funeral and funeral repast rituals and rites in Tashkent city makhallas related to etiquette of people exercising mourning.

The author also has rendered a comparative characteristic of funeral and funeral repast system.

*Ёш тадқиқотчи минбари**Д. Атаджанова***РИСОЛА – ИСТОЧНИК ПО ИЗУЧЕНИЮ ОТДЕЛЬНЫХ
ОТРАСЛЕЙ ИСТОРИИ РЕМЕСЛА**

Среди источников, раскрывающих состояние и характер отдельных отраслей ремесленного производства в Средней Азии XVI–XIX вв., особое место занимают рисола уставы–обрядники, представляющие определенную ценность как документ, освещающий именно те стороны социально–экономических отношений, которые остаются еще недостаточно изученными, в частности, взаимоотношения между ремесленниками и их учениками.

В Институте востоковедения им. Беруни АН РУз хранятся рисола, относящиеся к отдельным отраслям ремесленного производства. Например, “Рисола–и–бофандаги”¹ – ткачество; “Рисола–и–бакколи” – торговля бакалеей²; “Рисола–и–дежкони” – земледелие³; “Рисола–и–читгари” – набивка⁴; “Рисола–и–охангари” – кузнечное дело⁵. Некоторые рисола, как например, “Рисола–и–милтик андози” – наставление по стрельбе из огнестрельного оружия⁶, представляют собой своеобразные инструкции по тем или иным видам деятельности.

“Рисола–и–бофандаги” – трактат о ткацком ремесле, имя составителя и год переписки не известны. Сборник составлен на таджикско–персидском языке, возможно, в Бухаре, так как в рукописи преобладает бухарский диалект таджикского языка. Он состоит из шести частей. Интересующая нас часть – четвертая (л. 51 а–101 б, т. е 100 страниц форматом 14 х 9 см). Текст написан почерком насталик, буквы абзацев и суры из Корана выделены красными чернилами. Рукопись ранее нигде не описана.

Имена составителя и переписчика второго экземпляра “Рисола–и–бофандаги” (инв. № 3072/11) также не известны. Однако на листе 205а

¹ Три экземпляра ИВ АН РУз: инв. № 4120/IV, инв. № 3072/II – на персидском языке, инв. № 4188/XIX – другая на староузбекском языке.

² Там же, инв. № 3081/III.

³ Там же, инв. № 8149 /IV.

⁴ Там же, инв. № 5003.

⁵ Два экземпляра, на староузбекском языке. Там же, инв. № 12056/VII, 12708/1.

⁶ Там же, инв. № 3808/XX.

2005

отмечено, что трактат был переписан в 1002 г.х./1593–1594 гг. Рукопись на персидском языке почерком насталик с элементами шикасте трудно читаема, содержит шесть страниц форматом 20 x 12,5 см (л. 205а–208б). Рукопись ранее нигде не описана.

Третий экземпляр “Рисола-и бофонда” (инв. № 4188/XIX) в отличие от всех ранее исследованных рукописей имеет указание на имя переписчика. Им является некий Мулла Абдурахман-хан. Рукопись написана на староузбекском языке почерком насталик с элементами шикасте, содержит 80 страниц форматом 15,5 x 9 см (л. 305а–345б). Рукопись выполнена на среднеазиатской бумаге. Сборник в лаковом переплете, возможно, реставрирован.

“Рисола-я-бакколи” – сборник о бакалейщиках. Имена составителя и переписчика не известны, переписана в 1252 г.х./1835–1836 гг. Рукопись на персидском языке, почерк “насталик” с элементами шикасте и арабскими словосочетаниями. Содержит шесть страниц форматом 24 x 15 см (л. 55а–57б). В рукописи ничего не говорится о месте написания, но по лексикографии трактата мы предполагаем, что сборник переписан или в Бухаре или в Самарканде, абзацы рукописи выделены красными чернилами. Данная рисола описана в “Сборнике восточных рукописей” и включена в XI том издания⁷.

“Рисола-и-дехкони” – трактат о земледельцах. Имена переписчика и составителя в рукописи не указываются, рукопись переписана в 1269 г.х./1852–1853 гг., на персидском языке, почерк насталик с элементами шикасте. Почерк трудно читаем. Рукопись содержит 14 страниц форматом 20 x 13 см (л. 18а – 24б). Данная рисола ранее нигде не описана.

“Рисола-и-милтик андози” – наставление к ружейной стрельбе. Имя автора или переписчика и год написания не известны. Рукопись на персидском языке, почерк насталик, содержит восемь страниц форматом 24,5 x 14,5 см (л. 438а – 441б). Она красиво оформлена, рукописный текст взят в рамку.

“Рисола-и-читгари” – наставление читгарам-набойщикам. Имена составителя, переписчика и год написания не известны, предположительно в XVI веке составлена в Бухаре, так как рукопись на староузбекском языке с преобладанием таджикских слов и элементов. Рукопись переписана почерком насталик, содержит 74 страницы форматом 15 x 9 см (л. 1б–37а).

⁷ Сборник восточных рукописей. Т. XI. М., 1960.

Р.Г. Мукминова привлекла материалы данной рисола в своей книге об истории ремесла⁸.

“Рисола-и-охангари” – трактат о кузнецах. Имя составителя или переписчика не известно, год переписки 1298 г.х./1880 г., указан на л. 77б. Рукопись на староузбекском языке, почерк насталик, содержит 66 страниц форматом 16 x 10 см (л. 1а–33 б), в лаковом переплете зеленого цвета с тиснением, который, возможно, позднее реставрировался. Текст рукописи взят в красную рамку, абзацы, подзаголовки текста также выделены красными чернилами, в рукописи имеется дефект – отсутствует последняя страница.

Уже в XIX в. русские ученые стали говорить о значимости рисола, как о богатом источнике разнообразных сведений. Впервые о необходимости изучения рисола высказывался еще В.Р. Розен, отмечая, что рукописи могут “пролить свет” на разнообразные виды ремесленного производства и ремесленную продукцию⁹.

Другой исследователь А.Ф. Миддендорф, оценивая их, высказал следующее: “Рисола представляют собой культурный исторический интерес”¹⁰. Н.О. Катанов сообщает, что С.М. Смирнов вывез несколько десятков экземпляров рукописей, что их необходимо собрать, перевести и создать для них специальный словарь¹¹. К сожалению, о судьбе этих рукописей нам ничего не известно.

В работе “Шелководство и шелкоматание в Средней Азии”¹² в виде отдельного приложения к книге Н.О. Петровский впервые приводит перевод двух экземпляров “Рисола шелкопрядов”. Один из этих документов на персидском языке, по его сведениям, обнаружен в Ходжен-те, другой – на староузбекском доставлен из Коканда. В 1876 г. эти рисола были переведены Е. Шайлером на английский язык¹³. Переводы “Рисола земледельцев” приводятся в работах А.Ф. Миддендорфа “Очерки Ферганской долины”¹⁴ и В.М. Наливкина “Сартская хрестоматия”¹⁵.

⁸ Мукминова Р.Г. *Очерки по истории ремесла Самарканда и Бухары*. Ташкент, 1976. С. 25.

⁹ Комаров П.А. Несколько слов о рисола // *Туркестанские ведомости*. 1901. № 45.

¹⁰ Миддендорф А.Ф. *Очерки Ферганской долины*. СПб., 1882. С. 354.

¹¹ Гаврилов М.Ф. *Рисола сартовских ремесленников*. Ташкент, 1912. С. 1.

¹² Петровский И.О. *Шелкоматание и шелкоткачество в Средней Азии* // Приложение – туземное сказание о шелковичном черве. Ташкент, 1873.

¹³ Гаврилов М.Ф. *Рисола сартовских ремесленников*. ... С. 1–10.

¹⁴ Миддендорф А.Ф. *Очерки Ферганской долины*. ...

¹⁵ См.: Гаврилов М.Ф. *О ремесленных цехах Средней Азии и их статутах-рисола* // *Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы*. Вып. III. Ташкент, 1928. С. 354–357.

Хрестоматию В.М. Наливкина, к сожалению, нам в результате долгих поисков так и не удалось обнаружить, что не позволило сравнить, отличаются ли эти переводы по содержанию или оба автора ссылаются на один документ.

Супруги Наливкины в книге “Очерк быта женщины оседлого туземного населения” приводят несколько слов о “Рисола земледельцев”, отмечая, что данная рукопись представляет собой “немудрую книжечку, составленную муллами, которые для своей выгоды приводят в рисола угрозы для тех, кто не соблюдает правил и условий рукописи” и что “рукопись имела огромное значение для ремесленников”¹⁶.

Изучение рисола как исторического памятника и культурного наследия начинается в начале XX века. М.Ф. Гаврилову впервые удалось не только собрать, но и перевести несколько видов рисола, таких как: “Рисола содержателей чайных”, “Рисола цирюльников”, “Рисола мясников”, “Рисола о кузнечном ремесле”, “Рисола хлебопеков”, “Рисола земледельцев”, “Рисола ткачей”¹⁷. Если в первой работе “Рисола сартовских ремесленников”¹⁸ он приводит перечень переводов различных рисола, то в статье “Ремесла Средней Азии и их статуты рисола”¹⁹ как бы проводится параллель между ремесленными цехами Средней Азии, а их рисола рассматриваются как единое целое.

У исследователей рисола нет определенного мнения по поводу того, что из себя представляет само слово и понятие “рисола”. Термин арабского происхождения, означающий “послание, письмо, трактат, рассуждение, брошюра” и т.п. Н.О. Петровский и В.М. Наливкин считают, что рисола – это послание; по мнению П.А. Комарова, – это поучение, посланное апостолами²⁰. У А.Ф. Миддендорфа, рисола – это нечто среднее между молитвенником и правилами поведения, своего рода катехизис, который был составлен в XIV веке²¹. По словам Н. Лыкошина, рисола – это исторический очерк каждого известного туземцам промысла, начиная с земледелия и кончая гаданьем на овечьем помете. В нем перечисляются те нравственные качества и достоинства, ко-

¹⁶ Наливкин В.П., Наливкина В.М. Очерк быта женщины оседлого населения Ферганы. Казань, 1886.

¹⁷ Гаврилов М.Ф. Рисола сартовских ремесленников...

¹⁸ Наливкин В.П. Конспект лекций по истории ислама и мусульманскому праву. Ч. I. Ташкент, 1906–1907. С. 18.

¹⁹ Гаврилов М.ф. О ремесленных цехах... С. 224.

²⁰ Лыкошин Н.С. Оригинальное наставление к стрельбе // Туркестанские ведомости. 1901. № 38.

²¹ Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины... С. 354.

торые необходимо развивать в себе ремесленникам для того, чтобы призвать благословение Божье²². М.Ф. Гаврилов считает, что рисола-книжечка небольшого формата, содержащая предания о данном ремесле и наставления ремесленнику²³. Таким образом, изучая и анализируя рисола, каждый из исследователей отметил, что это книжечка небольшого формата, но нам удалось обнаружить несколько видов рукописей, которые подтверждают обратное, например, "Рисола-и-бофандаги" (инв. № 4120 и № 4180), "Рисола-и-охангари" довольно велики по объему. Из этого следует, что, возможно, поначалу составлялись рисола больших объемов, содержали полную информацию по той или иной отрасли ремесла, от договора и молитвы до описания технологических приемов. Позже переписчики сокращали текст, оставляя лишь самое необходимое, внося свои мысли, взгляды и идеи.

С.М. Смирнов²⁴ собрал, подсчитал и вывез 23 рукописи рисола. Среди них рисола красильщиков шелка, изготовителей посуды, плотников, изготовителей медикаментов, сапожников, земледельцев (в двух экземплярах), ткачей, москательщиков, поваров, мясников (в двух экземплярах), цырюльников, маслбобов, кузнецов, тележников, изготовителей серебряных изделий, торговцев горячим чаем, каменщиков, шорников, кожевников, ткачей, мельников, представителей духовенства, врачей.

А.Л. Куном было собрано 11 экземпляров рисола: ткачей, изготовителей тканей кашми, медников, кузнецов, изготовителей котлов, мельников, весовщиков, парикмахеров. Перевести названия еще трех рисола, к сожалению, нам не удалось.

М.Ф. Гаврилов приводит также описание собраний рукописей рисола, находившихся в библиотеке "Туркестанского кружка любителей археологии". Всего их насчитывалось 14.

К ним относятся рисола ткачей, кузнецов (в двух экземплярах – одна на староузбекском языке, другая – на персидском), шпукатуров, мыловаров, медников, сапожников, гончаров, шелкопрядов, изготовителей бархата, торговцев, цырюльников, ткачей²⁵.

С 1883 г. редактором "Туркестанской Туземной Газеты" становится Н.П. Остроумов, который опубликовал несколько видов рисола на староузбекском языке. Газета издавалась с 1870 г. сначала приложением

²² Лыкошин Н.С. Оригинальное наставление к стрельбе...

²³ Гаврилов М.Ф. Рисола сартовских ремесленников... С. 1.

²⁴ Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла... С. 27.

²⁵ Гаврилов М.Ф. Рисола сартовских ремесленников... С. 4, 5.

к сборнику “Туркестанские ведомости” и выходила четыре раза в месяц, два раза – на староузбекском и два раза – на персидском языках. До 1883 г. издателем газеты был Ибрагимов – переводчик при генерал-губернаторской канцелярии. Газета предназначалась для местных должностных лиц с целью ознакомления их не только с распоряжениями администрации, но и с географией, историей русского народа²⁶.

В “Туркестанской Туземной Газете” (1901, 1903 гг.) Н.П. Остроумовым были изданы следующие написанные на староузбекском языке документы: рисола тележных мастеров, мясников, токарей, мастеров, раскрашивающих седла, продавцов чая, медников, мастеров, делающих седла, земледельцев, ткачей маты, маслобоев, хлебопекров, сапожников. Часть номеров этой газеты с публикациями отдельных рисола нам удалось найти²⁷.

Еще 11 рисола были вывезены из Центральной Азии М. Хартманом. К ним относятся рисола сапожников, цырюльников, купцов, торговцев пряностями, ткачей, мастеров, изготавливающих седла, красильщиков тканей, кузнецов, земледельцев, пастухов.

Один экземпляр “Рисола земледельцев” вывез А.Н. Самойлович. Н.С. Лыкошин видел сборник из 32 экземпляров рисола в “Туркестанской Публичной Библиотеке”, но кто их собрал и где они сегодня находятся не известно²⁸.

Известный исследователь второй половины XX века Е.М. Пещерева в работе “Гончарное производство в Средней Азии” отметила, что с 30-х годов ей приходилось в течение ряда лет много соприкасаться, помимо гончаров, со среднеазиатскими ремесленниками различных специальностей. При сборе сведений по устройству ремесленных организаций самым неясным для нее оставался вопрос о цеховых сказаниях рисола. В результате долгих поисков в 1948 г. удалось обнаружить и сделать комментарий двух экземпляров рукописей рисола (одна – на персидском языке, другая – на узбекском)²⁹.

Р.Г. Мукминова, исследовавшая “Рисола читгаров”, считает, что рисола – это наставления в области различных отраслей ремесла, дошедшие до нас в списках XVIII – XIX столетий, письменный источ-

²⁶ Остроумов Н.П. Саргы. (Этнографические материалы). Вып. I. Ташкент, 1890. С. 127.

²⁷ См.: Гаврилов. М.Ф. Рисола сартовских ремесленников... С. 5–6; Туркестанские ведомости. 1901–1903.

²⁸ Гаврилов. М.Ф. Рисола сартовских ремесленников... С. 6, 7.

²⁹ Пещерева Е.М. Городское гончарное производство. Ташкент, 1958. С. 358–360.

ник, помогающий составить картину состояния ремесленного производства позднесредневековой Средней Азии³⁰.

По мнению О.А. Сухаревой, рисола – это священное писание ремесла, содержащее его историю и предписания культового характера. В статье “Ткачество в Самарканде” отмечено, что в рисола не отражаются какие-либо производственные и организационные моменты³¹. Позволим высказать иное мнение. В переведенной нами “Рисола-и-бофандаги” на основании слов переписчика можно все-таки выделить не только производственные, но и организационные моменты ремесла. Это подтверждают, например, описания конструкции ткацких станков, процесса изготовления тканей, накрахмаливания, сорта тканей, а также участие старейшин, ремесленников в различных собраниях и мероприятиях цеха ткачей (например, такбир, орвохи-пир).

На наш взгляд, рисола – это не только трактаты о разнообразных отраслях ремесла, в которых содержатся наставления ремесленникам, но и сборники, отражающие множество специальностей и видов деятельности, характерных для центральноазиатских городов, например “Рисола содържателей чайных”, “Рисола военных”, “Рисола по уходу за животными” и др. Учитывая перечисленное выше, предполагаем, что рисола не только играли заметную роль в жизни ремесленников, но и были своеобразной инструкцией по нормам поведения в обществе (например “Рисола об этике одежды”, “Рисола об этикете еды”).

Сложным и спорным остается вопрос о времени возникновения рисола. По данному вопросу у исследователей нет точной версии, установить точное время возникновения рисола невозможно, ни в одной рукописи ничто не указывает на дату их создания. Все рисола, исследованные нами, разновременны.

А.Ф. Миддендорф считает, что рисола появились в XIV в., А. Шишов относит время появления рисола к глубокой древности, М. Ф. Гаврилов считает, что рисола в том виде, как она представляется в настоящее время, возможно, появилась со времен распространения ислама в Средней Азии, такого же мнения придерживается Н.С. Лыкошин³².

Время появления рисола мы предположительно относим к XII в., потому что в одном из обнаруженных нами трактатов перечисляются следующие известные имена – Хамадани (ум. в 1140 г.), Гиждувани

³⁰ Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла... С. 25.

³¹ Сухарева О.А. Ткачество Самарканда // Этнография Средней Азии. Душанбе: Дошиш, 1981. С. 33, 34.

³² Гаврилов М.Ф. Рисола сартовских ремесленников... С. 7–9.

(ум. в 1179 г.), Накшбанди (1318–1389). В рукописях можно встретить множество различных имен ремесленников, пиров, имамов.

Существует несколько версий по поводу того, кто является составителем рисола.

Составителем рисола мог быть любой грамотный человек, но могли он знать все тонкости ремесла? По одной из версий, составителем рисола мог быть мулла. Но почему именно мулла? Лишь по той причине, что он знает Коран? Маловероятно. Откуда и каким образом он мог знать о ремесле, инструментах и принадлежностях, о процессе изготовления ремесленной продукции, об учителях, пирах и о лучших мастерах? Скорее всего составителями были лучшие мастера, в присутствии которых мулла и составлял текст, дополняя его выдержками из Корана. Он же позднее мог быть и переписчиком, исполнявшим копии документа или его фрагментов.

В исследованных нами рукописях ничего не говорится о том, кто является их автором, лишь в одной рукописи “Рисола–и–бофанда” указано имя переписчика. На наш взгляд, составителями рисола могли быть пиры – ремесленники, которые отличались от других ремесленников знанием тонкостей ремесла, Корана, Хадиса, шариата, хакиката.

В “Рисола хлебопеков”, переведенной М.Ф. Гавриловым, говорится: “Необходимо, чтобы мастера, написав эту священную рисола, обучали их (учеников. – Д.А.) днем и ночью”³³. Возможно, рисола составлялись по заказу ремесленников или были написаны ремесленниками совместно с муллами.

Просматривая несколько десятков трактатов, посвященных ремесленному производству, мы убедились в том, что, во–первых, до нас дошло ограниченное количество этих документов, во–вторых, рисола дошли до нас в рукописной, литографической, отличающейся большой краткостью и большой связностью текста, формах. Если О.А. Сухарева неуверенно говорит, что они переработаны с рукописных текстов, то, сравнивая рукописный текст “Рисола–и–дехкони”, наш перевод и литографированный перевод “Рисола земледельцев”, опубликованный М.Ф. Гавриловым, мы можем утверждать это однозначно.

Во всех изученных нами рисола схема написания почти одинаковая. Начинается рукописный текст следующими словами: “Бисмиллахир–рахманир–рахим”, т.е. “Во имя Бога, милостивого, милосерд-

³³ Гаврилов М.Ф. Рисола сартовских ремесленников...

ного". "Слава Богу, Господу миров, милостивому, милосердному, держащему в своем распоряжении день суда! Тебе поклоняемся и у тебя просим помощи".

В трактатах можно встретить эпитеты "рахмон", "милостивый", "каххор, халил" – "смирный" (т.е. "прекрасные Имена Божьи", которых 99).

Затем повествование идет от имени Аллаха, ветхозаветных пророков, шиитских имамов. Часто при составлении рисола в качестве составителя назывался Джафар Садык (шестой шиитский имам – ум. в 675 г.) для придания большей значимости и солидности составляемому документу. После этого излагается легенда, относящаяся к определенному ремеслу, далее – история происхождения данного ремесла, затем – наставления ремесленникам.

В исследованной нами "Рисола-и-буфондаги" приводится множество аятов и сур из Корана.

Рисола зачастую содержат различные легенды. Как правило, основанные на священном предании, они не только проповедуют определенные нравственные нормы, но и поясняют происхождение того или иного ремесла. В переведенной М.Ф. Гавриловым рукописи "Рисола-и-буфондаги" и в нашей "Рисола-и-бофандаги" (инв. №4120/IV) приведены одинаковые легенды, но по схеме написания и по объему они отличаются друг от друга. Содержание легенд, встречающихся в рукописях, таково. Адам попросил у Бога одежду для прикрытия "аврата" (части человеческого тела, подлежащие прикрытию). Гавриил принес листья фигового дерева, из которых выросли хлопок и шелк²⁴.

Однако и суры Корана и легенды являются как бы вступлением или вводной частью документа.

В рисола отмечалось, что в процессе изготовления определенной продукции ремесленник должен читать специальные суры Корана, в заключительной части рисола говорится о том, что ждет ремесленников, которые выполняют и соблюдают все правила устава, и что ожидает тех, кто уклоняется от пунктов устава.

Чтобы понять схему написания трактата, для примера рассмотрим "Рисола-и-бофандаги" (инв. № 4120/IV). В трактате повествуется о истории происхождения ткачества, которое берет начало от Адама и ветхозаветных пророков и улемов, и также говорится о появлении хлопчатника (гуза). Трактат написан в форме диалога в виде вопросов и ответов. (Например, если тебя спросят, то отвечай так). По словам ав-

²⁴ Гейн. Кустарное производство Средней Азии. Ташкент, 1926. С. 234.

тора, лучшим мастером в ткацком деле был некий Худ Томони, житель Маслука. А красильное ремесло перешло от некоего Ходжи Достона, шелкоткачество – от известного Лукмана Хакима.

Выяснилось, что в ткацком ремесле использовался ткацкий станок – “нурдон”, изготовленный из дерева “туби”, которое упомянуто в Коране, Ходжа Абдуллохом Ямани. Челнок изготавливался из финикового дерева. Автор также описывает другие относящиеся к станку и челноку приспособления. Со слов автора, в процессе изготовления ремесленной продукции необходимо было прочитать определенный аят из “Корана”. Автор повествует об изготовлении ткани карбас и ситца, о крахмаливании (охор) тканей, о разнообразных видах и сортах тканей. В рукописи перечисляются условия принятия и обучения учеников. Например, каждый мастер-ткач при приеме учеников должен учитывать соответствующий возраст ученика (4–5 лет). Помимо этого, в рукописи говорится об обязанностях учителя:

учитель обязан обучить ученика науке о шариате; учитель должен обучить ученика тарикату; учитель должен воспитывать; учитель должен передать ученику все свое мастерство.

По словам автора, у учеников также есть свои обязанности:

служба учителю; уважение учителя; преданность учителю; любовь к учителю; сдержанность по отношению к учителю; без разрешения учителя не покидать мастерскую.

Перечисленные обязанности должен знать каждый ремесленник, возможно, для этого был написан данный устав. Здесь говорится о происхождении обряда “мийан басте”, “камар басте” (опоясывание) и изготовлении этого пояса. Этим же термином назывались и ремесленники-ткачи, достигшие определенного уровня в мастерстве.

В рукописи содержится 12 правил, которые необходимо знать ученикам, говорится также о разновидностях “макома” (“макомы” ступени, проходимые суфиями на пути к совершенству. – Д. А). Мастеру необходимо, по словам рисола, знать хотя бы 40 или 20 макомов. В рисола приводится 20 макомов, множество интересных притч и легенд о ветхозаветных пророках, таких как Нух, Израил, Джабраил и др.

Кроме легендарных и нравоучительных текстов, рисола содержали определенные правила и этические требования. Они воспитывали и призывали к сознательному представлению о совершенной необходимости общественного порядка, законности, общественной дисциплины. В них отражаются отношения между усто и шогирдом, благодаря регламентированным в рисола нормам взаимные отношения ремеслен-

ников отличались сдержанностью, вежливостью, послушанием, уважением. Рисола помогали ремесленникам узнать, как следует поступить в том или другом случае, дабы не переступить наставления шариата и не уклониться от исполнения требования шариата.

Ремесло носило наследственно-семейный характер, правила, секреты приемов и тонкости ремесла передавались из рода в род от учителя к ученику, чаще всего старшему из сыновей мастера. На протяжении ряда поколений все это фиксировалось в рисола.

Таким образом, рисола были составлены для воспитания молодых ремесленников, для обучения их этикету, морали и в то же время прививали им любовь и уважение к избранному ими ремеслу. Эти документы хранились очень строго и передавались от отца к сыну, поэтому найти их было сложно.

Изучение первоисточников по отраслям ремесленного производства имеет огромное значение, так как только через первоисточник мы узнаем историю различных отраслей ремесла, историю их развития, виды продукции, сырья, материалов, инструментов, процессы распространения как самих ремесел, так и их продукции в различных регионах.

Д. Отажоновна

РИСОЛА – ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ АЙРИМ СОҶАЛАРИНИ ЎРГАНИШДА МАНБА СИФАТИДА

Ўрта аср хунармандчилиги тарихининг асосий манбаларидан бири ҳисобланган рисола ҳақидаги ушбу мақолада тарихчи олимларнинг бугунги кунгача амалга оширган тадқиқотларида рисола тўғрисида билдирган фикрлари, яъни тарихшунослиги ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган, ҳали илмий муомалага киритилмаган ва кам ўрганилган форс, тожик тилидаги ҳамда эски ўзбек ёзувида ёзилган 6 та рисола тўғрисида фикр юритилган.

D. Atadjanova

SOME INFORMATION FROM "RISOLA" ABOUT THE OF APART MAIN DRANCHES OF HANDICRAFT

Middle ages handicraft history is of the basic manuscript source of "Risola". This article deals with the scientists opinions on "Risola" that were done in their scientific researches up to present. Moreover about 6 manuscripts written in Persian, Tadjik and Old Uzbek were considered which have not been applied to scientific language yet of less studied and have been keeping manuscripts fund of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Uzbekistan.

Фанимиз даргалари

Ф. Қосимов

АКАДЕМИК ЯХЁ ФУЛОМОВ ВА БУХОРО ҚАДИМШУНОСЛИГИ

Ўзбек қадимшуносларининг сардори, академик Яхё Фуломов номи мамлакатимизда катта ҳурмат билан тилга олинади. 1998 йилда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра Яхё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» илмий семинари ташкил этилди. Олим меросига бағишлаб илмий семинар ва анжуманлар ўтказилмоқда. Унинг қарийб ярим асрлик илмий фаолиятида Бухоро қадимшунослиги муаммолари кенг ўрин олиб, олим меросининг юксак қиммати ва бетакрорлигини белгилаб берган.

1933 йилдан бошлаб Я.Фуломов қадимий ёдгорликларни сақлаш бўйича Ўзбекистон комитетининг илмий ходими бўлиб ишлаб, Бухородаги тарихий обидаларни ўрганиш билан бевосита шуғулланиб келди. Бир йилдан сўнг ёш тадқиқотчи Зарафшон археологик экспедицияси аъзолари билан бирга илк ўрта асрларда Бухоро воҳасининг атрофини ўраб олган улкан мудрофаа иншооти – Кампирдевор қолдиқларини қайд этган эди.

1950 йилнинг сентябрида Я. Фуломов Бухородаги кўҳна ҳаёт изларини қидириб топиш мақсадида махсус экспедиция ташкил қилади. У Қоракўл туманининг Яккатут қишлоғи яқинида Амударёга оққан Моҳондарё, Гурдуш ва Бужайли каби Зарафшоннинг қуриб қолган қадимги ўзанларини чуқур ўрганди. Айниқса, Замонбобо кўлини текшириб, унинг қадим ўтмишда овчи - балиқчи қабилалар ва ибтидоий давр одамларининг яшаши учун қулай маскан бўлганлигини исботлади. Қадимшуноснинг топилмалари Бухоро воҳасида ибтидоий деҳқончилик ва чорвачилик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини ойдинлаштирувчи ишончли ашёвий далил бўлди. Зарафшоннинг Қизилқумга йўналган қадимги қуруқ ўзанлари бўйлаб Я.Фуломовнинг ўта синчковлик билан ўтказган қидирувлари натижасида аниқланган неолит ва бронза даври ёдгорликлари Ўзбекистон археологиясида улкан воқеа бўлди. Бу тадқиқотлар Бухоронинг ибтидоий маданияти тарихини ўрганишда янги саҳифа очди.

Академик Я.Фуломовнинг Бухоро олдидаги яна бир буюк хизмати-ни қайд этиш лозим. Бу - олимнинг Бухоро ёшини аниқлашдаги собит-

қадамлиги ва қатъиятлигидир. 1969 йилда Я.Фулломов бир гуруҳ шо-
гирдлари билан Бухоро шаҳрига келиб, Аркда, Токи Заргарон, Зиндон
ёнидаги майдонларда археологик қидирув ишларини бошлаб юборди.
Шунда ер тубидан милодимизнинг дастлабки асрларига доир сопол
буюмлар парчалари топилди.

Бу билан қаноатланмасдан 1974 йилда истеъдодли олим яна кўҳна
шаҳарга келиб, унинг энг қадимги қисми бўлмиш Шаҳристонда архе-
ологик қидирув ишларини муваффақият билан давом эттирди. Нати-
жада шаҳар ҳаётининг эрамиздан биринчи минг йилликнинг ўртала-
рида бошланганлигини тасдиқловчи ашёвий далиллар топилди. Айниқ-
са, Абдулазизхон мадрасаси ёнидаги катта маданий қатлам аниқлан-
ди. Унинг остида қайд этилган нодир археологик топилмалар Бухоро
шаҳрининг бундан 25-26 аср муқаддам пайдо бўлганлигидан далолат
берарди.

Шундай қилиб, атоқли олим Я. Фулломов ва унинг сафдошлари олиб
борган тинимсиз меҳнатлари туфайли кўҳна Бухоронинг табаррук ёши
2500 йил экани тўғрисидаги илмий хулоса шакллантирилди. Бу хуло-
сани исботлаб, олим Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳайъатига
махсус хат йўллади. Хат муҳокама қилиниб, ҳайъат Бухоронинг 2500
йиллик ёши ҳақида қарор қабул қилди. Барча йиғилган илмий матери-
аллар ЮНЕСКО таҳлил - экспертизасидан ўтказилгач, Бухоронинг 25
асрлик юбилейини ўтказиш ҳақида ҳукумат қарори эълон қилинди. 1997
йилнинг октябрида ўтказилган Бухоро юбилейи тантаналарини кўриш
шу тўйни тайёрлашда беқиёс хизматлар қилган алломага насиб қилма-
ган экан.

Республикамызда мозий фанини юксак поғоналарга кўтарган зукко
олим, қадимшунослик дарғаси Яҳё Фулломовнинг илм оламида қилган
буюк хизматлари тарихшунослигимиз саҳифаларида ўчмас из бўлиб
қолади.

*Юбилей***ИБРОҲИМ АЛИМОВ – 70 ЁШДА**

Таниқли тарихшунос олим тарих фанлари доктори, профессор, хизмат кўрсатган фан арбоби, хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Иброҳимжон Абдуғаффорович Алимов бу йил апрел ойида қутлуғ 70 ёшга тўлди. Иброҳим Алимов республикамизда кўзга кўринган олим бўлиши билан бирга камтарлиги, ибратли одоби билан ҳам жамоамизда обрў-эътибор қозонган.

И.А. Алимов 1935 йил 5 апрелда Андижон шаҳрида таваллуд топди. 1953 йили Иброҳимжон Алимов Андижон шаҳрининг 31-сон ўрта мактабини тугатиб, ўша йилиёқ Москва Давлат тарих архиви институтига ўқишга кирди. У вақтларда Иброҳимжондек содда, ёшгина қотма йигитчага бирон меҳрибон йўл кўрсатмаса, ўзича Москвага бориб ўқишга кириши анча мушкул эди. Бунга сабаб, 1950 йилда шу институтга ўқишга кирган андижонлик Исроилжон Ёқубов бўлди. Иброҳимжон ҳам ўша талаба маслаҳати билан бу институтга ўқишга кирди.

Иброҳимжон Алимов билан биз 1956 йили танишдик, ўшанда камина Андижон вилоят давлат архивида катта илмий ходим вазифасида ишлар эдим. У эса Москвадаги тарих архиви институтининг 3 курс талабаси эди. Институт ректоратидан архив раҳбариятига ёзилган хатда талаба И. Алимовга “Комплектование архивных документов Андижанского округа (1927 - 1930 гг.)” мавзусидаги курс ишига ёрдам бериш сўралган эди. Шу-шу бизлар танишиб, деярли ярим асрдирки қадрдонлашиб кетдик.

Ўша йили архивда ишлаб ўтирган кунларимдан бирида архивдан гап очган эдим, Иброҳимжон жилмайиб туриб: “Мен архив ишини жуда ҳам севаман”, - дегани ҳамон қуловим остидан кетмайди.

Ҳа, Иброҳим Алимов чинакамига ўз касбига меҳр қўйган фидокор архившунос бўлиб танилди. Бу жабҳадаги меҳнат фаолиятини Республика Марказий Давлат архивида катта илмий ходимликдан бошлади. Бир йил ўтиши биланоқ, 1959 йили Министрлар совети ҳузуридаги Архив бошқармасида бўлим бошлиғи лавозимига тайинланди. Ўз касбига талабалигиданоқ меҳр қўйган Иброҳимжон ҳалол меҳнати билан архив ҳужжатларидан фойдаланиш ва уларни эълон қилишда эътиборга молик ишлар қилди, Бошқармада етук архившунос сифатида тилга олина бошланди. Бир вақтнинг ўзиде илмий иш ҳам бошлади. 1963 йили 28 ёшида мутахассиснинг ҳалол меҳнати биринчи марта тақдир-

ланди, у Ўзбекистон Олий Совети фахрий ёрлигига сазовор бўлди.

1965 йили И.Алимов Республика Марказий Давлат архивининг директори лавозимига тавсия қилинди. Ушбу раҳбарлик лавозимида ишлар экан, барча вилоят архивларида ҳам Иброҳимжон кенг масштабда ташкилий ҳамда илмий ишлар олиб борди. Унинг дастлабки илмий тадқиқоти 1965 йили тарих фанлари номзоди унвони учун ёқлаган диссертацияси билан яқунланди. Бу, архив ходимининг республикамизда биринчилардан бўлиб, фаннинг архившунослик соҳасига қўшган катта ҳиссаси эди. Шунинг учун ҳам И.Алимов хизмати ўша йиллариёқ муносиб тақдирланди. 1968 йили иккинчи марта Олий Советнинг фахрий ёрлиғи ва 1970 йили “Шавкатли меҳнати учун” медали билан тақдирланди. 1973 йили у архивдан ЎЗР Фанлар академияси Тарих институтига ишга ўтди. Бу ерда Ўзбекистон учун энг долзарб бўлган деҳқончилик ва ер-сувга бўлган муносабатлар тарихи билан шуғулланди. Кейинги йилларда И.Алимов бу соҳада бир қатор монографиялар яратди, илмий тўпламларда мақолалари эълон қилинди. Олимнинг диққат марказидаги асосий масала 1917 йили Россиядаги давлат тўнтаришидан кейин 1920 йили ташкил топган Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларида аграр муаммоларнинг қандай ҳал қилинишига қаратилди. Бу ҳақида махсус монография ҳам эълон қилди. Ниҳоят, ўша аграр ислоҳотлар тажрибасини илмий умумлаштириб, 1981 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кейинчалик олим “Хизмат кўрсатган фан арбоби” деган шарафли унвонга ҳам сазовор бўлди.

ЎЗР Фанлар академияси Тарих институтида бўлим мудури бўлиб ишлаганида ҳам, Андижон Давлат университетида ишга келиб, кафедрага мудирлик қилганида ҳам И.Алимов илмий фаолияти серқирралиги ва теранлиги билан ажралиб турди.

Профессор Иброҳимжон Алимов 1996 йили Бобур номидаги Андижон Давлат университетида ишга ўтди ва 2001 йилгача “Ўзбекистон тарихи” кафедрасини бошқарди, ҳозир ўша кафедранинг профессори лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Иброҳимжон Алимов 300 га яқин монографик асарлар ва илмий мақолалар муаллифидир. Улардан юзга яқини мустақиллик даврида эълон қилинган асарлардир “Истиқлолимизнинг тарихий илдишлари”, “Ғолиб Армиянинг ... қора ишлари” каби “Шарқ юлдузи” журналида босилган йирик илмий мақолалари, ўзбек мактабларининг 10-синфи учун ҳаммуаллифликда нашр этилган «Ўзбекистон тарихи» дарслиги, архившунослик ҳақидаги дарслиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Профессор Иброҳимжон Алимов республикамізда йирик тарихчи олим сифатида ЎзР ФА Тарих институти қошидаги фан доктори илмий даражасини олиш ҳамда Андижон Давлат университети қошидаги номзодлик илмий даражаси учун диссертациялар ҳимоя қилиш ихтисослаштирилган Илмий кенгашлари аъзосидир. Унинг раҳбарлигида 8 нафар фан доктори ва 8 нафар фан номзоди тайёрланди. Бир неча ўнлаб илмий тўшам ва монографиялар Иброҳим Алимов муҳаррирлигида чоп этилган. Республикаміз Президентининг фармони билан 2001 йили, кўп йиллик хизматлари эътиборга олиниб, Иброҳимжон Алимовга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони берилди. Домла ҳозирда 4 нафар фарзандга ота ва 10 га яқин набираларга суюкли бободир. У фанимиз ривожини ва ёшлар тарбиясини йўлида ҳормай-толмай хизмат қилиб келмоқда.

Биз домлага узоқ умр, сиҳат-саломатлик илмий-ижодий ишларига барака тилаймиз.

С. Жалилов

*Тарихчи кутубхонасига**Б. Обидов, А. Мадраимов***ҲИНДИСТОНЛИК ОЛИМАНИНГ МУҲИМ ТАДҚИҚОТЛАРИ**

Маълумки, Марказий Осиё ва Ҳинд ярим ороли минтақасида яшовчи халқлар ўртасида қадимдан давом этиб келаётган алоқаларга оид ёзма манбалар, илмий нашрлар, адабиётлар кўп. Уларни ўрта аср тарихчилари, олимлари ёзиб қолдирган бўлса, янги давр ва ҳозирги замон тадқиқотчилари эса ўша ёзма манбалар асосида мукаммал илмий асарлар яратмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бу соҳада энг салмоқли тадқиқотларни Ҳиндистондаги Алигарх Университетининг профессори, олима Мансура Ҳайдар амалга ошириб келмоқда. Унинг 2004 йилда чоп эттирган икки йирик монографияларини келтириб ўтишнинг ўзи кифоя қилади. Улардан биринчиси “Ҳинд-Марказий Осиё муносабатлари қадим замонлардан ўрта асрларгача”¹, деб аталади.

Ушбу тадқиқот Ҳиндистондаги деярли барча қўлёзмалар сақланадиган фонд, кутубхона ва шахсий жамғармадаги ёзма манбалар, ҳужжатлар ҳамда Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон қўлёзма фондларидаги манба ва адабиётлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилганлиги унинг муҳим илмий аҳамиятини кўрсатиб туради.

Мазкур асарда муаллиф Марказий Осиё халқларининг ҳинд маданияти, адабиёти ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига кўрсатган таъсирини кўплаб мисолларда баён этади. XVI-XVII асрларда икки минтақа ўртасидаги сиёсий-дипломатик алоқалар ҳамда бобурий подшоҳлар ҳукмронлик қилган даврда икки томонлама олиб борилган фаолиятлари, тил, маданият ва таълим соҳаларидаги ўзаро таъсири ва бошқа масалалар батафсил таҳлил қилинган. Бу илмий асар Марказий ва Жанубий Осиё халқлари ўртасидаги алоқалар тарихини ўрганаётган барча ўқувчиларга яхши манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳиндистон ва Марказий Осиё муносабатлари бошқа олимларнинг алоҳида-алоҳида тадқиқотлари учун мавзу бўлиб хизмат қилган. Мансура Ҳайдарнинг асари шу жиҳати билан яққол ажралиб турадики, унда

¹ Mansura Haidar. Indo-Central Asian Relations. From Early Times to Medieval Period. Delhi, Manohar, 2004. P.426.

истеъфода этилган далил ва маълумотлар археологик қазилмалар натижасида топилган буддизм тарихига оид қимматли моддий манбалар ҳамда кўплаб ёзма ёдгорликлардаги маълумотлар аниқланиб, тасдиқ этилиб тадқиқ этилган. Шунинг билан бирга олима ўзидан аввал ўтган тадқиқотчиларнинг асарлари натижаларини умумлаштирган, уларнинг жуда кўпларига янгиликлар киритган. Хусусан, асарда биринчи марта Марказий Осиёнинг Ҳиндистондаги форс тилидаги адабиёт ва тарихнависликка ўтказган таъсири кўплаб далил ва маълумотлар асосида очиб берилган. Муаллиф Марказий Осиё тарихнавислик мактабига юқори баҳо беради. Марказийосиёлик тарихнависларнинг асосий қисми тадқиқотчи олим бўлганликлари, улар ўз замонасида ўзлари шоҳид бўлган воқеаларни ишончли фактлар асосида таҳлил қилиб, улар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этганликларини таъкидлайди. Яна китобда бобурийлар давридаги Ҳиндистонда Марказий Осиё маданий мероси, Марказий Осиёнинг ҳинд мадрасаларига таъсири каби муҳим муаммолар тадқиқ этилган. Олиманинг узоқ йиллар илмий изланишлари самараси бўлмиш бу китоб бизда, Ўзбекистонда ҳам Ҳиндистон маданияти таъсири масалаларини махсус ўрганиш мумкин ва зарур эканлигини кўрсатади.

Китобнинг диққатга сазовор бобларидан бири “Ҳинд-Марказий Осиё муносабатлари бугунги кунда”, деб аталади. Унда олима тарихий маълумотлар ва далилларни ўрганиш асносида икки мамлакат турли соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиши мумкинлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳиндистонлик олима Мансура Ҳайдарнинг “Ҳинд-Марказий Осиё муносабатлари” китоби юртимиз ва унга яқин қўшни бўлган Ҳиндистон ўртасидаги асрлар давомида мавжуд бўлган сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муаллифнинг иккинчи китоби эса «Ўрта асрлардаги Марказий Осиё. Сиёсат, иқтисод ва ҳарбий тизимлар (XIV-XVI асрлар)»², деб номланган. Ушбу илмий монографияга Марказий Осиёнинг XIV-XVI асрлардаги тарихига бағишланган муҳим тарихий тадқиқот, деб таъриф, баҳо бериш мумкин. Унда ўша давр тарихининг деярли барча соҳаларини қамраб олишга ҳаракат қилинганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Муаллиф бу асарни ёзишда, асосан ўрта аср ва ундан кейинги даврларда ёзилган қўлёзма манбалардан фойдаланган. Ушбу манбалар асарнинг ҳаққонийлик даражасини оширади. Асарни мутолаа қилар экан-

² Mansura Haidar. Medieval Central Asia. Polity, Economy and Military Organisation (Fourteen to sixteenth Centures). Delhi, Manohar, 2004. P. 525.

сиз, кўз ўнгингизда Марказий Осиёнинг XIV-XVI асрлардаги тарихи яхлит жараён тарзида намоён бўлади. Ўйлаймизки, бу тадқиқот Марказий Осиё ва хусусан, Ўзбекистоннинг тарихини объектив ва тўлақонли равишда ёритишда муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ушбу монография аксарият, ғарблик олимлар дунёқарашда мавжуд Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданияти кўчманчи қабиалар, хусусан, мўғуллар асоратидаги халқ маданияти деб қарашларига қарши мазкур ҳудуддаги ўтроқ туркий халқлар тарихи ва маданияти алоҳида ҳурмат ва эътибор билан ўрганилган. Масалан, бобларнинг бирида қурултой ва кенгашлар алоҳида тадқиқ этилган. Умуман, китобда сомонийлар даври бошқарув аппарати, темурийлар даврида давлат ва дин, Марказий Осиё ер-сув масалалари, солиқлар, бозор, пул, нарх-наво, маошлар каби муҳим ва долзарб масалалар тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг қимматли томони шундаки, Марказий Осиёдаги туркий халқлар бошқа халқлар юнонлар ва хитойликлар каби давлат бошқарувида жуда моҳир бўлганлиги очиб берилган.

Ушбу асар Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётига оид жуда кўп маълумотларни ўз ичига олганлиги билан қимматли бўлиб, айти шу соҳаларда тадқиқот олиб бораётган олимларга жуда катта ёрдам бериши мумкин. Айниқса, маълумотларнинг кўп сонли ёзма манбалардан олиниб жамланганлиги, бири-бирига қиёсланганлиги ва бир тартибда баён қилиниши тадқиқотчилар учун қимматли материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳиндистонлик олиманинг биз сўз юртаётган монографияларида акс этган тарихий воқеаларга ёндашиш, баҳо бериш, таҳлил қилиш ва улар асосида хулоса чиқариш услуби ва маҳорати илмий тадқиқотларга нисбатан қўйилаётган ҳозирги замон талабларига мос келади. Муаллиф манба ва материалларни ўрганишда танқидий ёндашув ниҳоятда муҳим эканлигини таъкидлаб, аниқ факт ва далиллар асосида ҳамда ортиқча ҳиссиётларга берилмасдан ҳолисона баён қилишга ҳаракат қилганлигини таъкидлайди.

Ҳиндистонлик олима Мансура Ҳайдар чоп этган икки монографиянинг мазмунини таҳлил қилиш жараёнида биз юртимиз тарихи ва унинг Ҳиндистон билан бўлган кўп асрлик муносабатларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш борасида ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз мумкинлигига яна бир қарра иқроқ бўлдик.

Ўйлаймизки, заҳматкаш олиманинг қимматли китоблари халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

МУНДАРИЖА

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан

- А. Омельченко. Милоддан аввалги IV асрнинг охирлари–
милодий IV асрда жанубий Сугднинг шарқий районлари
(сиёсий ва иқтисодий тарих масалалари) 3

Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллигига

- Ш. Ҳайитов. Иккинчи жаҳон уруши оқибатида муҳожирликка
ўтган ўзбеклар 15

Диний сиёсат тарихидан

- Чой Со Ёнг. XX асрнинг 20–йилларида Ўзбекистондаги
православ черкови 24
- Н.Мустафаева. Ўзбекистонда совет ҳукуматининг диний
сиёсати 35

Ҳозирги замон долзарб муаммолари

- Н. Зиёмов. Цивилизациялараро муносабатлар Иссиққўл
конференциясининг диққат марказида 44

Этнология масалалари

- С. Давлатова. Ўзбек халқи анъанавий кийимларини ўрганиш
муаммолари борасида айрим мулоҳазалар 52
- М. Пайзиева. Ўзбекларнинг мотам маросими хусусиятлари (Тош-
кент маҳаллалари мисолида) 64

Ёш тадқиқотчи минбари

- Д. Отажонова. *Рисола* – ҳунармандчиликнинг айрим соҳаларини
ўрганишда манба сифатида 73

Фанимиз дарғалари

- Ф. Қосимов. Академик Яҳё Ғуломов ва Бухоро қадимшунослиги 84

Юбилей

- С. Жалилов. Иброҳим Алимов – 70 ёшда 86

Тарихчи кутубхонасига

- Б. Обидов, А. Мадраимов. Ҳиндистонлик олиманинг муҳим
тадқиқотлари 89

СОДЕРЖАНИЕ

К 2700-летию города Карши

А. Омельченко. Восточные районы Южного Согда в конце IV в. до н.э. – IV в. н.э. (вопросы политической и экономической истории) 3

К 60-летию Победы во второй мировой войне

Ш. Хайитов. Вторая мировая война как фактор в истории узбекской эмиграции 15

Из истории религиозной политики

Чой Со Ёнг. Православная церковь в Узбекистане в 20-е годы XX века 24

Н. Мустафаева. Религиозная политика советского правительства в Узбекистане 35

Актуальные вопросы современности

Н. Зиямов. Межцивилизационные отношения в фокусе Иссыккульской международной конференции 44

Вопросы этнологии

С. Давлатова. Некоторые аспекты проблемы изучения традиционной одежды узбекского народа 52

М. Пайзиева. Обычай и обряды, связанные с трауром (на материалах махалли г. Ташкента) 64

Трибуна молодого исследователя

Д. Атаджанова. *Рисола* – источник по изучению отдельных отраслей истории ремесла 73

Корифин науки

Ф. Касимов. Академик Яхья Гулямов и изучение древнейшей истории Бухары 84

Юбилей

С. Жалилов. Ибрагиму Алимову – 70 лет 86

В библиотеке историка

Б. Обидов, А. Мадраимов. Важные исследования индийского ученого 89

Муаллифлар ҳақида маълумот

- А.Омельченко — ЎзМУ археология кафедраси ўқитувчиси, т.ф.н.
- Ш.Ҳайитов — БухДУ жаҳон тарихи кафедрасининг доценти, т.ф.н.
- Чой Со Ёнг — ЎзР ФА Тарих институти тадқиқотчиси.
- Н. Мустафаева — ЎзР ФА Тарих институти докторанти.
- Н. Зиёмов — ЎзМУ докторанти.
- С. Давлатова — ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими.
- М. Пайзиева — ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими.
- Д. Отажонова — ЎзР ФА Тарих институти аспиранти.
- Ф. Қосимов — БухДУ тарихшунослик ва манбашунослик кафедраси мудири, т.ф.д., профессор.
- С. Жалилов — ЎзР тарихчилар жамияти Андижон вилояти бўлими раиси, т.ф.н.
- Б. Обидов — ЎзР ФА Шарқшунослик институти бўлим мудири, т.ф.н.
- А. Мадраимов — ЎзБА Камолиддин Беҳзод номидаги музей директори, т.ф.д.

